

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.19.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**ХАЙРУЛЛАЕВ ХУРШИДЖОН ЗАЙНИЕВИЧ**

**ТИЛ ВА НУТҚ БИРЛИКЛАРИНИНГ  
ИЕРАРХИК МУНОСАБАТЛАРИ**

**10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Докторлик (DSc) диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Хайруллаев Хуршидjon Зайниевич**

Тил ва нутқ бирликларининг иерархик муносабатлари .....5

**Хайруллаев Хуршидjon Зайниевич**

Иерархические отношения единиц языка и речи .....33

**Hayrullaev Hurshidjon Zaynievich**

Hierarchic relations of language and speech units .....65

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....69

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.19.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**ХАЙРУЛЛАЕВ ХУРШИДЖОН ЗАЙНИЕВИЧ**

**ТИЛ ВА НУТҚ БИРЛИКЛАРИНИНГ  
ИЕРАРХИК МУНОСАБАТЛАРИ**

**10.00.11 – Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Fil81 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz).) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz))га жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Турниёзов Неъмат Қаюмович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Маматов Абди Эшонқулович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Муҳамедова Саодат Худойбердиевна**  
филология фанлари доктори

**Ҳакимов Муҳаммадхон Хўжахонович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил « \_\_\_ » \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Тел: (90) 318 25 30; e-mail: [monitoring@navoiy-uni.uz](mailto:monitoring@navoiy-uni.uz).)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (.....-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй. Тел: (90) 318 25 30; e-mail: [monitoring@navoiy-uni.uz](mailto:monitoring@navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2018 йил « \_\_\_ » \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил « \_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -рақамли реестр баённомаси)

**Ш.С.Сирожиддинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Д.С.Худойберганова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби в.в.б., филол. ф.д.

**Н.М.Махмудов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида бугунги кунда илмий тадқиқотлар марказидаги асосий изланишларнинг систем-структур ва антропоцентрик ёндашувлар асосида олиб борилиши тил ва нутқни парадигматик ва ситагматик қонуниятларга таянган ҳолда ўрганиш билан бир қаторда, иерархик муносабатнинг ҳам муҳим эканлигини тақозо этмоқда. Дунё тилшунослигида тил ва нутқ бирликларини, уларнинг сатҳларини ва сатҳлараро муносабатларининг қатъий белгиланиши тилшуносликнинг шиддат билан ривожланиб бораётган янги соҳаларининг ривожини, шунингдек, тилшуносликнинг бошқа фанлар билан интеграциясини таъминлашнинг муҳим омилларидан саналади.

Жаҳон тилшунослигида тил ва нутқ бирликлари, сатҳлари ва мазкур сатҳлараро воқеланувчи муносабат масаласи кўплаб тилшуносларнинг қизиқишларига сабаб бўлган. Жумладан, тил ва нутқ бирликларини фарқлаш тамойилларини белгилаш, мазкур бирликларнинг ўзаро парадигматик, синтагматик муносабатларини ўрганиш, сатҳ тушунчасининг лингвистик тавсифи кабилар тадқиқ этилган. Айни пайтда тилшунослигимизда тил ва нутқ бирликларининг иерархик муносабатини замонавий методологик тамойилларга таянган ҳолда тавсифлаш, тил ва нутқ сатҳлари ҳамда уларни ташкил этувчи бирликларининг лингвистик мақоми, табиатига хос аниқ назарий хулосалар чиқариш мавзунинг долзарблигини белгилайди. Бу ҳолат тил ва нутқ бирликларининг иерархик муносабатини жаҳон тилшунослигининг сўнгги ютуқларидан, таҳлил этишнинг янги методларидан фойдаланган ҳолда ёритиш, тадқиқ этиш ҳамда бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Мустақиллик йилларида республикамызда миллий маънавиятимиз, ўзлимизнинг асосий манбаларидан бўлган тилимизга, уни илмий тадқиқ этувчи тилшунослигимизга том маънода эътибор қаратилди ва бу жараён изчил давом этмоқда. Ўтган давр мобайнида ўзбек тилшунослигида фан тараққиёти динамикаси сезиларли даражада юксалди. Бунда жаҳон тилшунослиги ютуқларидан ўринли фойдаланиш, уларни амалда қўллаш ўз ижобий натижаларини берди ҳамда эришилаётган ютуқларимиз нафақат мамлакатимиз тилшунослигида, балки жаҳон тилшунослигида ҳам маълум бўлиб бормоқда. Эришилган ютуқлар билан бир қаторда қилиниши лозим бўлган зарур тадқиқотлар ҳам мавжуд бўлиб, улар сирасига тил ва нутқ бирликларининг иерархик муносабати ҳам дахлдордир. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш» алоҳида таъкидланган<sup>1</sup>. Бу эса, ўз навбатида, тилшуносликда ҳам йиллар давомида барчани қониқтириб келган баъзи назарияларни қайта кўриб чиқишни, ҳар қандай фан ёки илмий йўналишда муайян бўшлиқлар

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами.–Тошкент, 2017. - Б.39.

хам бўладики, уларни тўлдириш лозимлигини ўз-ўзидан талаб қилади. Ҳозирги тилшунослигимизда ана шундай масалалардан бири тил ва нутқ бирликларининг иерархик муносабати илмий талқинидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.** Тил ва нутқ бирликлари ва уларнинг иерархик муносабатини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Pennsylvania, University of Columbia, University of California, Harvard University (АҚШ); University of Geneva (Швейцария); Sorbonne College de France (Франция); University of Leipzig, The Humboldt University (Германия); Oxford University Language Centre (Англия); Peking University (ХХР), University of Toronto (Канада); University of Vienna (Австрия), Sophia University (Болгария); University of Tokyo (Япония); Baki Dövlət Universiteti (Озарбайжон); Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, Москва шарқшунослик институти, Ростов университети, Москва шаҳар педагогика институти (РФ); Қозоқ миллий университети (Қозоғистон) шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида тил ва нутқ бирликларининг парадигматик, синтагматик ва иерархик муносабатларини очиқ беришга қаратилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар

---

<sup>1</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.universityofcalifornia.edu](http://www.universityofcalifornia.edu), [www.harvard.edu](http://www.harvard.edu), [www.indiana.edu](http://www.indiana.edu), [www.intl.aks.ac.kr](http://www.intl.aks.ac.kr), [www.uni-bonn.de](http://www.uni-bonn.de), [www.uio.no/english](http://www.uio.no/english), [www.univie.ac.at/en](http://www.univie.ac.at/en), [www.vu.lt](http://www.vu.lt), [www.bsu.edu.az](http://www.bsu.edu.az), [www.univ.kiev.ua](http://www.univ.kiev.ua), [www.msu.ru](http://www.msu.ru), [www.spbu.ru](http://www.spbu.ru), [www.vsu.ru](http://www.vsu.ru), [petsu.ru](http://petsu.ru), [www.kaznu.kz](http://www.kaznu.kz), [www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz) сайт ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

олинган: тилнинг семиологик системаси тавсифланган ва унинг структурасидаги бирликлар ҳамда парадигматик ва синтагматик муносабатлар фарқлаб берилган (University of Geneva, Швецария; Москва давлат университети, РФ); семантик муносабатлар тавсифланган (Oxford University Language Centre, Англия; Sorbonne College de France, Франция); сатҳлар ва уларни белгилашнинг асослари ишлаб чиқилган (Санкт-Петербург давлат университети, Москва шарқшунослик институти, РФ; University of Toronto, Канада); иерархик муносабат лингвистик бирликларга татбиқ қилинган (University of Pennsylvania, University of Columbia, University of California, АҚШ); фонематик бирликларнинг парадигматик ва синтагматик муносабатлари тавсифланган (University of Leipzig, Германия; Peking University, ХХР); морфематик сатҳ бирлиги – морфема илмий асосланган (University of California, Harvard University, АҚШ); нутқ бирликлари тавсифи, жумладан, гап ва дискурснинг хусусий белгилари очиқ берилган (University of Pennsylvania, University of Columbia, University of California, Harvard University, АҚШ); тил сатҳлари аниқланган (Москва давлат университети, Ростов университети, Москва шаҳар педагогика институти, РФ; University of Pennsylvania, University of Columbia, University of California, АҚШ); нутқ сатҳлари ва иерархик муносабат илмий асосланган (Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, РФ; University of Pennsylvania, АҚШ); фонематик сатҳ ва дифференциал белгилар исботланган (University of Columbia, University of California, АҚШ; University of Leipzig, The Humboldt University, Германия); нутқ бирликлари тавсифланган (Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети, РФ; University of Vienna, Австрия); лисоний тизим, лексик сатҳ, тил ва нутқ бирликларининг лингвистик табиати очиқ берилган (Sophia University, Болгария; University of Tokyo, Япония; Baki Dövlət Universiteti, Озарбайжон; Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Ўзбекистон).

Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида тил ва нутқ бирликларининг иерархик муносабатини ўрганиш билан боғлиқ муаммолар тадқиқи доирасида қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тил ва нутқ бирликларининг прагматик хусусиятлари ва шу асосда вужудга келадиган иерархик муносабатни тавсифлаш; тил ва нутқ бирликларининг номинатив мақомини асослаш; лисоний бирликларнинг ўзаро иерархик муносабатини ҳар томонлама мукамал ёритиш; нутқ бирликларини қатъий белгилаш; ҳар бир нутқ бирлигининг пропозитив ва макропропозитив хусусиятлари, уларнинг деривацион қонуниятларини аниқлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда XIX-XX асрлар тилшунослиги тилнинг система эканлиги, унинг структур хусусиятлари, сатҳлари, сатҳлар бирликларининг парадигматик, синтагматик ва иерархик муносабатлари муаммолари тадқиқи бобида улкан ютуқларга эришганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса Ф.де Соссюр томонидан «тил ва нутқ» дихотомиясининг илмий асослаб берилиши тилшунослик фанида

ўзига хос бурилиш ясади. Бироқ шуни ҳам айтиш лозимки, мазкур дихотомиянинг тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги давригача, асосан, биринчи қисмига тааллуқли масалалар меъёр даражасида ўрганилди.

Шундай бўлишига қарамай, тил бирликлари ва улар тегишли бўлган сатҳлар масаласини муаммолардан холи деб бўлмайди. Масалан, биргина фонематик сатҳ бирлиги фонемани олайлик. Баъзи тадқиқотларда уни тил белгиси тарзида талқин этилса, айрим ишларда буни мутлақо инкор этишади. Морфема ва сўз ҳақида ҳам шу сингари фикр билдириш мумкин: айрим тадқиқотларда ўзак морфема тушунчасидан воз кечиш лозимлиги таъкидланса, баъзи тадқиқот ишларида уни тўлақонли морфема сифатида талқин этишади. Сўз хусусида эса тилшунослар фикрлари ўртасида умуман бир хиллик кузатилмайди.

Тил бирликларининг иерархик муносабати масаласи ҳам, албатта, уларнинг лингвистик табиати, тилдаги ва нутқдаги ҳолати билан узвий боғлиқ. Шундай бўлгач, бу соҳада ҳам ҳали ечилиши лозим бўлган муаммолар мавжудлиги табиийдир.

Юқоридагилардан ташқари, нутқ бирликлари ва уларни белгилаш масаласи доирасида ҳам изоҳталаб масалалар кам эмас, зотан, нутқ лингвистикаси тилшунослик фанининг алоҳида бир соҳаси сифатида эндигина асосланмоқда.

Бу ўринда нутқ бирликларини белгилаш масаласи устувор аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Мунозарали фикр ва мулоҳазалар ҳам айнан ана шу масала бобида вужудга келмоқда. Бундай вазият, албатта, тил ва нутқ бирликлари ва сатҳларини белгилашда ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Айрим тадқиқот ишларида сўзни ҳам нутқ бирлиги тарзида кўрсатишса, (И.М.Солнцев) баъзи ишларда нутқ бирликлари сўз бирикмаси ва гапдан иборат эканлиги таъкидланмоқда. Кейинги йилларда бажарилган тадқиқотларда эса нутқ бирликлари гап ва абзац орқали белгиланмоқда (А.Г.Фридман).

Мазкур фикр ва мулоҳазаларнинг барчаси тил ҳамда нутқ бирликларининг иерархик муносабати билан узвий боғлиқ бўлиб, улар бу ўринда ҳам турли чалкашлиklar туғилишига олиб келмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида олиб борилаётган «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» деб номланувчи фундаментал илмий тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тил ва нутқ бирликларининг иерархик муносабатини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тил сатҳлари ва уларнинг бирликлари илмий талқинини бериш;

тилда фонематик, морфематик ва сўз сатҳлари устувор аҳамият касб этишини илмий далиллаш;

тил сатҳларининг ҳар бири нисбий автоном характерли эканини ва улар ўртасидаги боғланиш тил системасининг воқелигини таъминловчи асосий фактор эканлигини асослаш;

ҳар бир сатҳнинг ўз бирлиги мавжудлиги ва мазкур бирликларнинг реал қўлланиши иерархик муносабатга таянишини кўрсатиб бериш;

тил бирликларининг иерархик муносабати уларнинг синтагматик муносабати доирасида шаклланишини исботлаш;

нутқ бирликлари – гап, мураккаб синтактик қурилма ҳамда абзацдан иборат эканлигини ва шу асосда нутқ сатҳлари шаклланишини илмий далиллаш;

нутқнинг мураккаб синтактик қурилма ва абзац каби бирликлари полипредикативли бўлишлари билан бир пайтнинг ўзида устпредикативли синтактик ҳодисалар эканини асослаш;

барча сатҳлар (шу жумладан, нутқ сатҳлари ҳам) система ичида системани ташкил этишини илмий асослаб бериш.

**Тадқиқотнинг объектини,** асосан, ҳозирги замон ўзбек ёзувчиларининг асарларидан олинган материаллар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида тил бирликлари, нутқ бирликлари, тил сатҳлари, нутқ сатҳлари ва сатҳлараро иерархик муносабат танланган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда диалектиканинг дедуктив ва индуктив методлари методологик асос бўлиб хизмат қилди. Ишда, асосан, тавсифий (дескриптив) методдан, ўрни билан транспозиция, трансформация ва аппликатив усуллардан ҳам фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

*сатҳ* тушунчаси ҳақидаги анъанавий назариянинг мунозарали ўринлари аниқланган ҳамда *сатҳ*ни белгилашнинг тил бирликлари билан боғлиқлиги асосланган;

тил бирликлари сатҳ тушунчасининг асосида ётиши, тил сатҳлари сони ҳам шунга мувофиқ бўлмоғи лозимлиги ўзбек тили материаллари асосида исботланган;

тил сатҳлари ҳам, нутқ сатҳлари ҳам бир-бирининг иштирокисиз мавжуд бўла олмаслиги, шу боис уларни фақат нисбий автономлиги асосланган;

гапнинг нутқ бирлиги эканлиги асосланган, гап сатҳида барча тил бирликлари ва сатҳларининг иерархик муносабатга киришиши далилланган;

тил сатҳлари ичида синтагматик муносабат мавжудлиги ва уларнинг ҳар бири система ичида система тарзида фаоллик кўрсатиши очиб берилган;

нутқ бирликларининг гап, мураккаб синтактик қурилма ҳамда абзацдан иборат эканлиги аниқланган ва нутқ сатҳлари белгиланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

филология факультетлари юқори босқич талабалари ва магистрантлари учун тил ўқитиш амалиётида назарий грамматика, тил тизими, тил қурилиши, семантика ва сўз тузилиши, замонавий синтактик назариялар буйича махсус курсларда система ва структуралар ишлаб чиқилган;

тил ва нутқ бирликларининг парадигматик, синтагматик қонуниятларига асосланган ҳолда уларнинг иерархик муносабатини белгиловчи система ва структураларни белгилаб берувчи моделлар таклиф этилган;

СамДУ «Навоий музейи» ноёб объекти илмий-амалий лабораториясида «Алишер Навоий асарлари тили ва лингвопоэтикаси» мавзусида ўтказилган мастер-класс машғулотида фойдаланилган.

тил ва нутқ бирликлари, сатҳлар ҳамда мазкур сатҳлараро вужудга келадиган иерархик муносабат ҳақидаги натижалар муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, «Тилшунослик», «Тил назарияси», «Ўзбек тили», «Матн тилшунослиги» «Тилшуносликка кириш», «Умумий тилшунослик» ҳамда магистратура босқичида «Хорижий мамлакатларнинг лингвистик назариялари», «Семантика ва сўз тузилиши» каби фанлардан яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилади.

тадқиқотда берилган хулосалар, формулалар, схемалар талабаларга иерархик муносабатнинг парадигматик, синтагматик муносабатлар билан бир қаторда турувчи қонуният эканлигини тушунишни осонлаштиради ва уларнинг бу борадаги қарашларини бойитади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** «Тил ва нутқ» дихотомияси ва шу асосда белгиланувчи парадигматик ҳамда синтагматик муносабатларга таянилганлигида намоён бўлади. Шу билан бирга, олинган натижаларнинг назарий ва амалий жиҳатдан ўзаро мувофиқлигида ҳам натижаларнинг ишончлилиги тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижалари тил ва нутқ сатҳларини ва уларнинг бирликлари лингвистик табиатини ўрганишда, ҳар бир бирликнинг ўзидан катта бирлик билан боғланиши асосида иерархик муносабат шаклланиши, иерархик муносабат замирида тил ва нутқ системаларининг амалда фаолият кўрсатиши каби тил ва нутқ лингвистикаси билан узвий боғлиқ бўлган масалалар ҳақида тасаввурга эга бўлишимизда жиддий илмий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса тадқиқот натижаларининг ўқув жараёни билан бевосита боғлиқ эканлигида ўз ифодасини топади. Зотан, тил ва нутқ бирликлари ҳамда улар тегишли бўлган сатҳлараро иерархик муносабат ҳақида чуқур илмий тасаввурга эга бўлмай туриб, тилнинг нутқда қўлланилиши билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш қийин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тил ва нутқ бирликларининг иерархик муносабатини, сатҳлар ва сатҳлараро муносабатларни тадқиқ этиш жараёнида олинган натижалар асосида:

сўзнинг тил бирликларининг гап сатҳига кўчирилишини таъминловчи асосий восита саналиши, умумий маъно унга грамматик маъно қўшилгандан сўнг шаклланишига оид хулосалардан ОТ-Ф8-027 рақамли «Қўлёзма манбаларнинг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти» (2008-2011) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 мартдаги 89-03-975-сон маълумотномаси). Натижада тил ҳодисаларини нутқ ҳодисаларидан фарқлаб

ўрганишга доир масалалар ечимини мукамаллаштириш имконияти яратилган;

нутқ бирликлари, тил бирликларидан фарқли равишда, нутқда мустақил қўллана олиши, уларнинг реал қўлланиши мудом стратификатив тамойилларга бўйсунушига доир хулосалар ОТ-Ф1-138 рақамли «Темурийлар даврида яратилган «Хамса»ларнинг компаративистик тадқиқи» (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳага татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 мартдаги 89-03-975-сон маълумотномаси). Натижада матнларда қўлланилган тил бирликларининг нутқий функционал масалаларини ёритишга эришилган;

тил ва нутқ бирликлари ҳамда уларнинг парадигматик, синтагматик ва иерархик қонуният асосидаги муносабатлари билан боғлиқ хулосалардан 5111200 – ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналишида Республика олий ўқув юртлари ўзбек филологияси факультети бакалаврлари учун дарслик сифатида тавсия этилган «Умумий тилшунослик» дарслигини яратишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги 89-03-2264-сон маълумотномаси). Натижада дарсликда тил ва нутқ бирликлари ва уларнинг парадигматик, синтагматик ҳамда иерархик қонуниятини талабаларга тушунтириш имкониятларини кенгайтиришга эришилган;

фонема, морфема ва сўзларнинг тилдаги ҳолати ва уларнинг нутқда гап таркибида қўлланилиши ҳолатлари ҳақидаги хулосалардан олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Республика чет тиллар олий ўқув юртлари олмоншунос талабалари учун дарслик сифатида тавсия қилинган «Немис тили» дарслигини яратишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги 89-03-2264-сон маълумотномаси). Натижада дарсликда фонема, морфема ва сўзларнинг тилдаги ҳолати ва уларнинг нутқда гап таркибида қўлланилишини талабаларга тушунтирилиши соддалаштирилган;

тил сатҳлари ичида синтагматик муносабат мавжудлиги ва нутқ бирликлари ҳақидаги маълумотлар ИТД-1, А-1-219 «Таълим тизимида хорижий тил (инглиз) йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумевропа компетенциялари (CEFR) бўйича С1 даражасини эгаллашни таъминлайдиган ўқув-услубий мажмуа яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа (2015-2017) доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 13 мартдаги 89-03-975-сон маълумотномаси). Натижада бакалаврлар (инглиз тили) учун яратилган «Vocabulary-1», «Grammar-1» ўқув қўлланмалари мавзуларини ёритишда муайян сўзнинг тилдаги ва нутқдаги ҳолатини ўрганиш соддалаштирилган, топшириқ ва машқларнинг сифат жиҳатдан такомиллашувига эришилган.

Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг «Самарқанд садоси» эшиттириши, ва «Ойдин оқшом» кўрсатувида тадқиқотчи томонидан тавсия этилган тил ва нутқ бирликлари ва уларнинг қўлланиши билан боғлиқ фикрларидан фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2018 йил 10 январдаги 09-02/1-сон маълумотномаси). Натижада мазкур

эшиттириш ва кўрсатувнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ҳамда янги манбалар билан бойиган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 12 та халқаро, 19 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 54 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган хорижий нашрларда 3 та мақола, шу мақомдаги республика журналларида 14 та, бошқа хорижий ва маҳаллий нашрларда 35 та мақола эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 257 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, илмий изланишнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, фойдаланилган метод ва методологик асоси, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми хусусида маълумотлар берилган.

Биринчи боб «**Сатҳ тушунчаси ва унинг тилшуносликда ўрганилиши ҳолати**» деб номланган бўлиб, бу бобда сатҳ тушунчаси ва унга доир лингвистик қарашлар ўрганилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, сатҳ тушунчасини дастлаб америкалик файласуфлар тадқиқотлар кун тартибига қўйишган эди. Кейинчалик дескриптивистлар томонидан у лингвистик маъно касб этди ва шундан сўнг мазкур тушунча таҳлил поғонаси ёки даражаси сифатида методик нуқтаи назардан қўллана бошлади. Бироқ *сатҳ* тушунчаси тилшунослигимизда ўтган асрнинг 70-йилларига келиб том маънода истеъмолга киритилди. Бунда америкалик структурализм вакиллари (З.Харрис, Ж.Трейгер, Ю.А.Найда, Н.Чомский ва бошқалар) сатҳ (level) тушунчасини тил бирликлари билан боғлаб, *поғона* тушунчасини ҳам тадқиқотлар кун тартибига киритдилар.

Прага тилшунослик мактаби вакиллари томонидан ҳам сатҳ тушунчаси анча мукамал тадқиқ этилди. Улар, америкалик структуралистлардан фарқли равишда, тил бирликлари таҳлилини уларнинг функционал салмоғи

билан боғлиқ ҳолда олиб бордилар. Фикр далилини Н.Трубецкой фонологик сатҳ бирликларининг мукамал тавсифини бериш учун жаҳоннинг икки юздан ортиқ тилига, шу жумладан ўзбек тилига ҳам муурожаат этганида кўришимиз мумкин<sup>1</sup>. А.Мартиненинг тадқиқотларида эса тилнинг морфематик ва сўз сатҳлари бирликларининг функционал жиҳатлари мукамал ёритилди<sup>2</sup>. Француз тилшуноси Э.Бенвенистнинг тадқиқотларида тил сатҳлари ва уларнинг ўзаро муносабатига доир масалалар ўрганилди<sup>3</sup>.

Тил бирликларининг ўзаро муносабатга киришуви уларнинг дистрибутив хусусиятлари билан алоқадордир. Чунки маълум бир қуршовда мумкин бўлган муносабат иккинчи қуршов доирасига сиғмаслиги ҳам мумкин. Бундай пайтда тил бирликларининг комбинатор боғланиши аҳамият касб этади. Аммо қандай бўлишидан қатъи назар, уларнинг функционал қиймат олиши бир-бири билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Зотан, тил бирликларининг комбинатор муносабати умумсистем аҳамиятга эгадир<sup>4</sup>, тил бирликлари бир-биридан ажратилган ҳолда ишлатилмайди<sup>5</sup>.

Тил бирликларининг комбинатор муносабати парадигматик қатор доирасида ҳам, синтагматик қатор доирасида ҳам кузатилади. Равшанки, товушлар ўзаро муносабатга киришганда фақат кетма-кет боғланиш эмас, балки алмашилиш ҳодисаси ҳам муҳим мавқега эгадир: *ноқулайлик, тинчлик, пахтазор, пахтакор*.

Келтирилган мисолларнинг биринчисида аффикс+ўзак+аффикс, иккинчисида морфемаларнинг ўзак+аффикс+аффикс тарзидаги муносабати, учинчисида эса -зор, -кор аффикс морфемаларининг алмашинув ҳодисасига асосланган дистрибутив боғланиши комбинатор алоқани тақозо этмоқда.

Тил унсурларининг бундай муносабатлари турли хил микро- ва макроқўринишлардаги синтагматик алоқани ташкил қилади. Синтагматик муносабат фонематик сатҳдан бошқа барча сатҳларда кузатилади, зеро, тил бирликлари ўзлари тегишли бўлган сатҳда синтагматик муносабатга кириша олмайди. Сатҳлардаги синтагматик муносабат эса мазкур сатҳларга кирган кичик бирликлар ўртасида шаклланади.

Аммо сатҳларни белгилаш масаласи ҳамон муаммоли бўлиб, бу соҳада тилшунослар фикрлари муштарак эмас. Айрим тилшунослар (Э.Бенвенист) фонематик, сўз ва гап сатҳлари хусусида сўз юритсалар, бошқа бирлари (Б.Н.Головин) тил сатҳлари фонематик, морфематик, сўз, сўз ясалиши, морфологик ва синтактик сатҳлардан иборат эканлигини қайд этадилар.

В.И.Кодухов тилда фонетик-фонологик, морфем-морфологик, синтактик, лексик-семантик сатҳлар мавжудлигини таъкидлайди. У морфологик, сўз ясалиши ва фразеологик сатҳларни оралиқ сатҳ деб ҳисоблайди<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Трубецкой Н. Основы фонологии. –М., 1960.

<sup>2</sup> Қаранг: Мартин А. Основы общей лингвистики // Новое в лингвистике, вып.3. –М., 1963.

<sup>3</sup> Қаранг: Бенвенист Э. Общая лингвистика. – М., 1974.

<sup>4</sup> Қаранг: Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. –М., 1971. – С.268.

<sup>5</sup> Қаранг: Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. - Тошкент, 2007, – Б. 27.

<sup>6</sup> Қаранг: Кодухов В.И. Общее языкознание. – М., 1974. – С.137.

Ю.С.Степанов таълимотида тил сатҳи деганда, бир хил номланувчи бирликлар жамланган тил системасининг муайян бир қисмини тушуниш лозимлигини қайд этади ва шу асосда сатҳларни қуйидагича белгилайди: фонемалар (сатҳи), морфемалар (сатҳи), сўзлар (сатҳи), сўз бирикмалари (сатҳи), гап (сатҳи)<sup>1</sup>.

В.М.Солнцев тил сатҳлари деганда, ўзаро иерархик муносабатда бўлмаган, бироқ бошқа сатҳларга тегишли бирликлар билан иерархик муносабат ташкил этувчи бир турга (жинсга) кирувчи бирликлар мажмуасини тушунади. Бундай бирликлар мажмуалари фонематик, морфематик ва сўз сатҳларида кузатилади<sup>2</sup>.

Бизнингча, юқорида эслатиб ўтилган тилшунослар фикрларининг барчаси ҳам илмий жиҳатдан асослидек кўринади. Бироқ В.М.Солнцевнинг мулоҳазаларида буни янада ёрқинроқ кузатиш мумкин. Чунки тилнинг асосий бирликлари сифатида фонема, морфема ва сўзни тушунамиз.

Тил сатҳлари ҳақида тилшунослар фикрлари диссертацияда мукамал берилмоқда. Айни пайтда эса уларнинг барчаси хусусида маълумот бериш имконияти бўлмаяпти.

Албатта, сатҳ тушунчаси нутқда ҳам аҳамият касб этади. Бунда гап ва микромаатн (мураккаб синтактик қурилма, абзац) сатҳлари хусусида сўз юритамиз.

Таъкидлаш лозимки, тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги даврида тил сатҳларининг ҳар бири ўзича нисбий мустақил эканлиги, шунинг учун ҳам улар алоҳида текширув объектлари саналиши тилшуносларимиз томонидан тўлиқ тан олинган ва бу борада бирор жиддий муаммо кузатилмайди. Лекин шу билан бирга, муайян сатҳнинг лингвистик табиати талқинини бермоқ учун бошқа сатҳларга ҳам муурожаат этиш лозимлиги, фикримизча, шу соҳада тадқиқот олиб бораётган тилшуносларгагина ҳаммадан кўпроқ аёндр.

Айни пайтда тил сатҳлари, аниқроғи, сатҳлар бирликлари ўртасидаги фарқли жиҳатлар ҳақида эмас, балки уларнинг ўзаро муносабати ҳақида сўз юритаётганимиз учун асосий эътиборни шу нарсага қаратмоқдамиз. Чунки мазкур ҳодиса нафақат сатҳлар бирликлари, балки сатҳлараро муносабат хусусида ҳам маълумот олишимиз учун муҳимдир. Ф.де Соссюр таъбири билан айтганда, тилнинг маълум бир унсури ўз-ўзича ҳеч қандай қиймат касб этмаслиги фундаментал қонуниятни ташкил этади.

Иккинчи боб «**Тил ва нутқ сатҳлари**» деб номланади ва бунда тадқиқот материали тўрт параграфда берилади.

Тил сатҳлари сифатида *фонематик*, *морфематик* ва *сўз сатҳлари* олинади ҳамда уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида параграфларда тавсифланган. Мавжуд тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, тил сатҳларининг, ҳар бири нисбий мустақилдир (автоном), зотан, алоҳида олинган сатҳ бирликларининг ўзаро парадигматик муносабатинигина шу сатҳ қонун-қоидалари асосида ўрганиш мумкин. Уларнинг синтагматик ва

<sup>1</sup> Қаранг: Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. – М., 1975. – С.218.

<sup>2</sup> Қаранг: Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М., 1971. – С.81.

иерархик муносабатларини эса бошқа сатҳ бирликларига мурожаат этмасдан туриб, тадқиқ этиш қийин ва бу мумкин ҳам эмас. Чунки *a* нинг *a* бўлиши учун *b* нинг ёрдами ва, ўз навбатида, *b* нинг *b* бўлиши учун *a* нинг ёрдами зарур. Шу боис тилнинг фонематик сатҳига тааллуқли бўлган ҳодисалар талқинини морфематик сатҳ бирликларининг иштирокисиз ва аксинча, морфематик сатҳ бирликларининг тадқиқини ҳам фонематик сатҳ бирликлари иштирокисиз амалга ошириб бўлмайди.

Тил бирликларининг ўзаро муносабатга киришуви уларнинг дистрибутив хусусиятлари билан узвий боғлиқдир, зотан, маълум бир қуршовда мумкин бўлган *a-b* унсурлари муносабати иккинчи қуршовда воқеланмаслиги, бунда *b* ва *c* унсурлари боғланиши мумкин. Шу боис тил бирликларининг комбинатор муносабати муҳим аҳамият касб этади. Мазкур муносабат парадигматик қаторда ҳам, синтагматик қаторда ҳам доимий қийматга эгадир. Бу эса, ўз навбатида, тил сатҳлариаро рўй берувчи иерархик муносабатнинг шаклланишига олиб келади.

Аммо тил сатҳлари масаласида фанимиз тараққиётининг ҳозирги давригача ҳам тилшунослар фикрлари муштарак эмас. Айрим тадқиқотларда тил сатҳлари жумласига фонематик, сўз ва гап сатҳлари киритилса, баъзи ишларда уларни фонематик, морфематик, сўз, сўз ясалиши, морфологик ҳамда синтактик сатҳлар орқали изоҳлайдилар. Булардан ташқари, фонетик-фонологик, морфем-морфологик, синтактик ва лексик-семантик сатҳлар мавжудлиги ҳақида ҳам маълумотлар келтирилади. Ваҳоланки, тил сатҳларини белгилаш унинг бирликлари билан мос келмоғи даркор, деб ўйлаймиз. Т.Бушуй ва Ш.Сафаровлар тил сатҳлари ҳақида мулоҳаза юритганларида қуйидагиларни тўғри таъкидлайдилар: «Тилнинг ҳар бир бирлигига хос ички яхлитликка белги ёки белгилар бирикмасининг синтагматик, парадигматик ва иерархик муносабатларига асосланган ягона мезоннинг қўлланиши тил тизимида маълум кўринишдаги сатҳларни ажратиш имконини яратади»<sup>1</sup>.

Фонематик сатҳ бирликларининг лингвистик табиати ундан катта бирлик – морфема (ёки сўз) сатҳида аниқроқ намоён бўлади, зотан, бунда фонемалар ўзаро синтагматик муносабат ташкил этади ва шу билан бирга, морфеманинг шаклланиши учун ҳам хизмат қилади. Бу жараёнда тилнинг маъно англаб олинадиган ва маъноли икки бирлиги ўзаро кесишади.

Морфема ҳам тилнинг кичик бирлиги сифатида мустақил сатҳни тақозо этади. Бироқ баъзи тилшунослар (В.Скаличка) грамматиканинг энг кичик бирлигини *сема* деб биладилар. Назаримизда, бу фикрга қўшилиш қийин. Чунки *сема* тушунчаси грамматик бирлик бўлолмайди.

Тилнинг асосий бирлиги сўздир, зотан, у тил механизмида марказий ўринда туради (Ф.де Соссюр). Тилшунослар томонидан сўз тушунчаси ўрнига қўлланаётган *лексема*, *семантема*, *лексик морфема* каби терминлар ҳам кўп жиҳатдан ўзини оқламаяпти. Бироқ тавсифи қанчалик қийин ва мураккаблигидан қатъи назар, сўзнинг тил системасида марказий ўринда

<sup>1</sup> Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Тошкент, 2007, -Б.43.

туриши шубҳасиздир. Чунки тилни биринчи галда формалар ёки товушлар орқали эмас, балки сўз орқали идрок этамиз. Тилнинг луғат таркибини ҳам сўзлар ташкил этади. Фикр далилини С.Усмоновнинг қуйидаги қарашларида кузатамиз: «Тил ва нутқнинг қандай ҳодисалар эканлиги, агар нималарнинг тил элементиға ёки ҳодисаларига киришини, нималарнинг нутқ ҳодисаларига кириши кўрсатилмаса, англашилари бўлмайди, албатта. Тил ҳодисалари қаторига ҳаммадан бурун сўз (умуман луғат состави) киради»<sup>1</sup>.

Нутқ сатҳлари ҳақида фикр билдирилари экан, сўз тил бирликларини нутқ бирлиги – гап сатҳига ўтказилишини таъминловчи асосий восита саналади, зеро, фонемалар ҳам, морфемалар ҳам сўз сатҳида фаоллашади ва у орқали нутққа кўчирилади.

Гап реал қўлланилганда чап томондан тил бирликлари билан, ўнг томондан эса нутқ бирликлари билан узвий муносабат ташкил этади. Бирок тилшунослик адабиётларида гапни тил бирлиги тарзида тавсифлаш ҳоллари ҳам кузатилади. Бундай мулоҳазалар, назаримизда, жиддий изоҳталабдир, зотан, гапнинг нутқ бирлиги эканлиги етакчи олимлар томонидан қайта-қайта эслатиб ўтилган. Айниқса, нутқ лингвистикаси илмий асосланган бугунги кунда бу масалани эътирозли деб бўлмайди.

Бизнингча, нутқнинг энг кичик бирлиги мақоми гапга тегишлидир. Сўз бирикмасини (эркин бирикмалар назарда тутилмоқда, турғун бирикмалар, албатта, тил бирлигидир), гарчи нутқда шакланса ҳам, нутқ бирлиги деб билиш қандайдир ғализлик туғдиради. Бунинг асосий боиси шундаки, сўз бирикмаси компонентларининг ҳар бири гапда унинг бўлаклари сифатида алоҳида вазифа бажаради ва улар гапнинг умумий синтактик шаклини вужудга келтиради. Унинг нутқдан ташқаридаги кўриниши эса мавҳум моделни тақозо этади<sup>2</sup>.

Сўз бирикмасини гапнинг қурилиш материали деб билиш ҳам ноўриндир. Чунки у нутқда шаклланади. Бошқача айтганда, нутқ жараёнигача ҳали мавжуд бўлмаган структурани гапнинг қурилиш материали тарзида талқин этиб бўлмайди. Демак, гапнинг қурилиш материали сўздир.

Нутқнинг гапдан катта бирлиги мураккаб синтактик қурилмадир (МСҚ). Икки ва ундан ортиқ гапларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган ҳар қандай синтактик структура МСҚ мақомида келади. МСҚ реал қўлланиши жараёнида ўзидан катта нутқ бирлиги–абзац таркибида келиши ёхуд унинг ўзи абзац мақоми олиши ҳам мумкин.

Абзац нутқнинг макробирлигидир. Албатта, боб абзацдан катта бирлик ҳисобланиши мумкин. Лекин баъзи макроматнлар бобларга бўлинмайди (масалан, ҳикоялар, очерклар). Шу боис нутқнинг макробирлиги абзац деган хулосага келдик.

Учинчи боб «**Тил бирликларининг иерархик муносабати**» деб номланган. Иерархик муносабат тушунчаси тил ва нутқ сатҳлари воқелиги ва уларнинг лингвистик табиати билан узвий боғлиқдир, зотан, *иерархия*

<sup>1</sup> Қаранг: Усмонов С. Ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши. –Тошкент, 2010, – Б.10.

<sup>2</sup> Қаранг: Турниёзов Н., Турниёзов Б., Турниёзова Ш. Ўзбек тили деривацион синтаксиси. –Тошкент, 2011, - Б. 20.

(погона) терминининг асл моҳияти сатҳлар ўртасидаги стратификатив боғланишда ўз ифодасини топади.

Аслини олганда, тилшунослик ягонадир. Шу боис принцип нуқтаи назаридан фонемалардан тортиб матнгача бўлган бирликларнинг барчаси тилга тегишлидир. Бироқ Соссюрнинг «тил ва нутқ» дихотомиясига асосланган ҳолда, «тил ва нутқ» тарзидаги ички бўлинишга таянамиз ва шунинг учун тил ва нутқ бирликларини фарқлаб ўрганамиз.

Бобда фонематик сатҳ унсурларининг иерархик муносабат доирасидаги ўрни таҳлил қилинар экан, тил системасида унинг энг кичик бирликларини бирлаштирувчи сатҳ масаласи ҳозиргача мунозарали бўлиб қолаётгани айтилади. Баъзи тилшунослар бу ўринда «фонетик сатҳ» тушунчасидан фойдалансалар, бошқа бирлари «фонологик сатҳ» тушунчасини қўллашни мақсадга мувофиқ деб билмоқдалар, айримлари эса бундай сатҳнинг мавжудлигини инкор этаётганини кўрамыз. Масалан, С.Д.Кацнельсон сатҳлар мавжудлигини, аниқроғи, шу ном билан айтилишини инкор этади<sup>1</sup>.

А.А.Реформатский тадқиқотларида фонетик сатҳ (ярус) тушунчаси қўлланилиб, бунда муаллиф Бодуэн де Куртенэ ғоясига асосланганлиги сезилади: «Энг аввал одат тусига кириб қолган «сўз товушлардан ташкил топади» деган ақидадан воз кечмоқ керак, зотан, мазкур тушунча мутлақо изоҳталабдир. Чунки, биринчидан, сўз морфемалардан ташкил топади (хатто бир морфемали сўзлар ҳам бундан истисно эмас); иккинчидан, морфемалар товушлардан эмас, балки фонемалар воситасида шаклланади. Нутқда талаффуз этиладиган товушлар фонемаларни тақозо этади, фонемалар морфемалар учун қурилиш материалидир»<sup>2</sup>.

Ҳ.Жамолхоновнинг бу ҳақдаги мулоҳазаларида ҳам шу тарзда белгиланади: «Фонема – сўзлар, морфемалар ва грамматик шаклларнинг товуш қобиғини фарқлаш орқали уларнинг маъноларини тафовутлаш вазифасини бажарадиган энг кичик сегмент бирликдир»<sup>3</sup>.

Фонеманинг морфема ёки сўзнинг товуш қобиғини фарқлаши шунчаки фонетик ўзгариш эмас. Бу жараёнда фонема ўзининг дифференциал белгиларини намоён этади. Албатта, унинг бундай хусусияти ҳозирги тилшунослигимизда ички иерархик муносабат деб аталаётган фонологик ҳодисанинг вужудга келишида муҳим аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, бу хилдаги дифференциал белгилар фонематик сатҳ ичида *меризматик сатҳ* номи билан аталувчи микросатҳнинг вужудга келиши учун асос бўлади.

Фонемалар фонематик сатҳ доирасидагина парадигматик муносабатда бўлади. Улар фонематик сатҳдан катта сатҳлар бирликларида белгининг ифодаловчи жиҳатини ташкил этиб, ўзаро синтагматик муносабатга киришади. Лекин сатҳлар муносабати бундай хусусият касб эта олмайди. Чунки улар иерархик муносабат қуршовида бўлади. Шу боис фонематик

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Мартынов В.В. Два уровня языковой действительности и двойное членение языка // Уровни языка и их взаимодействие. – М., 1967, – С.101.

<sup>2</sup> Реформатский А.А. О соотношении фонетики и грамматики (морфологии) // Вопросы грамматического строя. – М., 1955.–С.95.

<sup>3</sup> Jamolxonov H. Hozirgi o'zbek adabiy tili. –Toshkent, 2005, – B. 38.

сатҳ билан морфематик сатҳ, морфематик сатҳ билан сўз сатҳи ва ҳ.к. ўртасидаги муносабат вертикал чизиқ доирасида рўй беради<sup>1</sup>.

Фонема нутқнинг минимал сегменти вазифасида кела олади, просодема ҳамда ритмик-акцентуацион воситалар эса бундай функцияни бажара олмайди. Бу жиҳатдан уларни фонемаларнинг дифференциал белгилари билан қиёслаш мумкин. Бироқ дифференциал белгилар фонематик сатҳ доирасида ички иерархик муносабатни шакллантиради. Ички иерархик муносабат вужудга келишида фонема интегратив функция бажаради<sup>2</sup>.

Мазкур бобда фонематик сатҳ бирликлари билан морфематик сатҳ бирликлари ўртасидаги иерархик муносабат масаласи ҳам алоҳида ўрганилган. Ушбу муносабат тилнинг маъно англлатмайдиган унсурларининг маъноли унсурлар сатҳига киришини тақозо этади. Бу жараёнда фонематик сатҳ бирлиги фонема ўзининг дифференциал белгилари орқали морфеманинг товуш қобиғини ташкил этади ва бу билан маъно ифодаланиши учун хизмат қилади.

Сатҳлараро рўй берувчи иерархиклик муносабат тилнинг қуйи сатҳи билан морфематик сатҳи ўртасида бошланади. Фикр далили учун қуйидаги морфемаларнинг товуш жиҳатларига аҳамият берайлик: -нинг,-ни, -да,-дан.

Айни пайтда келишиқ кўшимчалари грамматик маъносига эга бўлган аффиксал морфемаларни кўрамиз. Биринчи морфема таркибида *н, и, нг* фонемалари, иккинчисида *н, и*, учинчисида *д, а* ва тўртинчисида *д, а, н* фонемаларининг синтагматик муносабати шаклланиб, уларнинг барчаси фонемадан катта тил бирлиги – морфеманинг товуш қобиғи воситасида берилган морфемаларни бир-биридан фарқламоқда. Бундан ташқари, мазкур фонемалар шу морфемаларнинг маъно хусусиятлари шаклланиши учун ҳам фаол хизмат қилмоқда. Демак, бу ўринда фонематик ва морфематик сатҳлар бирликлари ўртасида вужудга келаётган иерархик муносабат фонемаларнинг дифференциал белгилари (унли-ундош), маъно фарқловчи товуш қобиғини шакллантиришида кўзга ташланадиган функционал қиймати ҳамда маъно ҳосил қилувчи синтагматик боғланиши орқали воқеланмоқда.

В.М.Солнцевнинг тўғри изоҳлашича, фонема инвариант ҳолатдаги абстракт бирликни, унинг конкрет қўлланиши эса аллофонни тақозо этади. Аллофонларнинг фонемадан фарқи уларнинг реал қўлланишидадир. Бу эса аллофонларнинг конкрет фонемалар эканлигини кўрсатади. Фонема ва аллофон тушунчалари маълум бир тил бирлигининг турлича номланиши билан боғлиқдир<sup>3</sup>. Ана шу асосда баъзи тилшуносларнинг фон ва фонема, морф ва морфемалар алоҳида сатҳлар бирликлари тарзида ўрганилмоғи лозим, деган ғояларининг ҳақиқатдан йироқ эканлигини далиллаш мумкин. Америкалик тилшунос С.Лэмнинг фикрига кўра, фон ёки аллофонлар, морф ёки алломорфлар, фонема ёки морфемалардан фарқли равишда, алоҳида тил стратумларини (сатҳларини) ташкил этади<sup>4</sup>. Дж.Трейгер эса тил

<sup>1</sup>Қаранг: Колшанский Г.В. Проблемы стратификации языка // Вопросы языкознания, – М., 1968. №2. – С.16.

<sup>2</sup>Қаранг: Бабаев И.А. Фонетические единицы и их терминологическое обозначение И.А.Бодуэном де Куртенэ и в современной лингвистике// Бодуэн де Куртенэ и современная лингвистика. –Казань, 1989. – С.41.

<sup>3</sup>Қаранг: Солнцев В.М. О понятии уровня языковой системы // Вопросы языкознания, – М., 1972. №3. – С.15.

<sup>4</sup>Қаранг: Lamb S.M. Outline of the stratifictional grammar. –Washington, 1966. – P.20.

стратумлари сонини 27 та ҳисоблайди. Бу орқали, албатта, масала моҳияти соддалаштирилмайди, балки чигаллашади<sup>1</sup>.

Иерархия нуқтаи назаридан қараганимизда фонема морфема ичида яшайди. Бу жараёнда фонемалар доирасида товуш алмашинуви ҳодисаси рўй бериши мумкин. Масалан, *тинчлигимиз* сўзи таркибидаги учинчи морфемада буни кузата оламиз. Айни пайтда -лик морфемаси сатҳидаги *к* фонемаси =2 билан алмашмоқда. Бундай ҳодиса *қ-ғ* фонемалари мисолида ҳам воқееланади: *ўртоқ-ўртоғи, солиқ-солиғи, қизиқ-қизиғи*. Бундан ташқари, *ғғ-ққ* (боғга-боққа, ёғга-ёққа), *гг-кк* (баргга-баркка, эгган-эккан) товушлари ўртасида ҳам шу хилдаги алмашинув рўй беради<sup>2</sup>. А.Нурмоновнинг таъкидлашича, бундай ҳолатда морфеманинг маълум вазиятга хосланган турли вариантлари (морфлари) шаклланади. Бу ўринда товуш алмашинуви ҳеч қандай фонологик вазифа бажармайди<sup>3</sup> ва шу боис, мазкур ҳодисани фонологияда ўрганиш учун илмий асос йўқ, зотан, бунда тилнинг фонологик бирликларини морфологик нуқтаи назардан ўрганиш талаб қилинади. Ана шу сабабларга кўра, тилшунослик фанига *морфонология* тушунчаси истеъмолга киритилди. Унинг асосчиларидан бири Н.С.Трубецкой бўлиб, у морфонологияни (ёки морфофонологияни) фонологик воситаларнинг морфологик мақсадда қўлланилиши билан боғлиқ бўлган муаммоларни ўрганувчи грамматиканинг маълум бир соҳаси сифатида изоҳлайди<sup>4</sup>.

Е.Курилович морфонология тушунчасини мутлақо рад этади<sup>5</sup>. Т.Я.Елизаренкованинг фикрига кўра, морфонология тушунчаси ҳақида А.А.Реформатскийнинг тасавури илмий асослидир<sup>6</sup>.

А.А.Реформатский морфонология ҳақида мулоҳаза юритганида уни тилшуносликнинг алоҳида бир соҳаси сифатидаги мақомга эга бўла олишини тан олади. Бунда морфонологиянинг фонология билан морфологияни туташтирувчи хизмати мавжудлиги эслатилади. Бироқ шундай бўлса ҳам, А.Реформатский морфонология тил сатҳи сифатида алоҳида мақомга эга бўлолмаслигини, бунинг асосий сабаби унинг ўз бирлиги йўқлигида эканлигини таъкидлайди<sup>7</sup>.

Дарҳақиқат, «морфонема» термини морфонологиянинг бирлиги бўлиши қийин. Чунки фонема фонологик birlik ҳисобланса, морфема морфологик birlikдир. Уларни чатиштириб сунъий равишда гибрит тил birlikини ихтиро қилиб бўлмайди. Фикримиз далилини А.Абдуазизовнинг қуйидаги сўзларида ҳам кўришимиз мумкин: «...морфонология грамматикага ҳам, фонологияга ҳам кирмайди, лекин уларнинг birlikи бўлган фонема ва морфемадан фойдаланади, ...Морфонологиянинг ўз birlikи йўқ бўлганлиги учун морфемалардаги фонетик ҳолат билан боғлиқ бўлмаган фонологик

<sup>1</sup>Қаранг: Trager G.L. *Linguistics is linguistics.*-Buffalo – New York, 1963. – P.24.

<sup>2</sup>Қаранг: Нурмонов А. *Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси.* –Тошкент, 1990, – Б. 21.

<sup>3</sup>Қаранг: Ўша асар, ўша бет.

<sup>4</sup>Қаранг: Трубецкой Н.С. *Некоторые соображения относительно морфологии* // Пражский лингвистический кружок. – М., 1967. – С.115-118.

<sup>5</sup>Kurylowicz J. *Phonologie und Morphonologie* // *Phonologie oler Gegenwart*, Wien, 1967. –S.169.

<sup>6</sup>Қаранг: Елизаренкова Т.Я. *О морфонологии хинди (К постановке проблемы)*// *Вопросы языкознания*, – М., 1988, № 1.

<sup>7</sup>Реформатский А.А. *Фонологические этюды.* – М., 1975. – С.99.

ўзгаришларни ўрганади»<sup>1</sup>. А. Абдуазизов бунга қуйидаги мисолларни келтиради: *бу кун–бугун, наст–насаймоқ, онг–англа, тара–тароқ, ўқи–ўқув; қорин–қорни, оғиз–оғзи* ва ҳ.к.<sup>2</sup>

Бизнингча, морфонология ўрганиши лозим бўлган фонологик ўзгаришлар морфеманинг структур салмоғига таъсир этади, аммо бу билан фонематик ҳамда морфематик сатҳлар ўртасида иерархик муносабат шаклланишига таъсир кўрсата олмайди. Бошқача айтганда, морфема доирасидаги фонемаларнинг синтагматик муносабатида ўзгариш рўй бериши ёки муайян бир фонеманинг ўрнига нутқда муқобил аллофоннинг қўлланилиши фонематик сатҳ бирликлари билан морфематик сатҳ бирликларининг иерархик муносабатига дахлсиздир. Масалан: *ўтган–ўткан, тара–тароқ, бурун–бурним*.

Морфема ва сўз ўртасидаги иерархик муносабат таҳлили шуни кўрсатадики, морфема нафақат ўзининг функционал фаоллигини таъминлаш учун, балки сўзнинг шаклланиши ва функционал қимматга эга бўлиши учун ҳам хизмат қилади. Зотан, сўз тилнинг маъно англатувчи ана шу кичик бирлигидан ташкил топади ва бунинг натижасида морфемадан тубдан фарқ қилувчи янги birlik вужудга келади.

Морфема морфологиянинг энг кичик бирлигидир. Р.Якобсон таъбири билан айтганда, морфема грамматиканинг минимал абстракт бирлиги саналади<sup>3</sup>. Ана шу жиҳатида кўра морфема ўзининг иштирокида ташкил топаётган онтологик маъно англатувчи сўздан кескин фарқ қилади. Ю.Найда бу хусусда мулоҳаза юритганида, тилнинг бирор ҳодисасини ҳам бошқаларининг иштирокисиз тавсифлаб бўлмаслигини, бу эса, ўз навбатида, фонематик, морфологик ва синтактик ҳодисалар ҳар бирини иккинчисининг иштирокисиз ўрганиш қийинлигини кўрсатади. Зотан, тил бири иккинчисидан ажратилган структураларни тақозо этмайди. У функционал яхлитликдан ташкил топгандир<sup>4</sup>. Дескриптив тилшуносликда тилнинг ҳар бир сатҳининг воқелиги ўзидан олдинги сатҳ birlikларига боғлиқ эканлиги масаласига жиддий эътибор қаратилади. Унга кўра, морфематик сатҳ фонематик сатҳ терминлари орқали, сўз сатҳи эса морфематик сатҳ терминлари воситасида талқин этилиши лозимлиги алоҳида таъкидланади<sup>5</sup>.

Н.Д.Арутюнова дескриптивистлар томонидан истеъмолга киритилган морф(а) тушунчасига ижобий баҳо бермайди<sup>6</sup> ҳамда морфеманинг фонемалардан ташкил топиши ҳақида тилшуносликда мавжуд фикр ва мулоҳазаларга ҳам қарши чиқади. Унинг таъкидлашига кўра, фонематик сатҳ морфематик сатҳдан тилнинг горизонтал моделида олдин кела олмайди.

<sup>1</sup> Абдуазизов А. Морфонология// Баскаков Н.А., Содиков А.С., Абдуазизов А.А. Умумий тилшунослик. –Тошкент, 1979, - Б.70.

<sup>2</sup> Қаранг: Ўша асар, ўша бет.

<sup>3</sup> Қаранг: Новак Л. Основная единица грамматической системы и типологии языка// Пражский лингвистический кружок. – М., 1967. – С.210.

<sup>4</sup> Қаранг: Nida E. Morphology: the descriptive analysis of words. 2 ed. Ann Arbor, 1949. –Р. 2-3.

<sup>5</sup> Қаранг: Bloch B. and Trager G. Outline of linguistic analysis. –Baltimore, 1942. – С.53.

<sup>6</sup> Арутюнова Н.Д. О значимых единицах языка // Исследования по общей теории грамматики. – М., 1968. – С.71;99.

Амалдаги «...дан ташкил топади» тушунчаси ана шу боис фонема билан морфеманинг муносабатини характерлай олмайди<sup>1</sup>.

М.М.Гухманнинг тадқиқотларида асосий эътибор сўз билан морфема ўртасидаги иерархик муносабат масаласига қаратилганини кўрамиз. М.М.Гухман мазкур масала тавсифини морф ва сўзшакл материали асосида ёритишга ҳаракат қилади.

Кўп пайтларда сўз ўзак морфема тарзида қўлланиши ҳам мумкин. Бундай вазиятда морфема билан сўз ўртасида содир бўлувчи иерархик муносабат мавҳумлашганга ўхшаб кўринади. Бироқ масала моҳиятига жиддийроқ ёндашганимизда, морфема билан сўз ўртасида айна пайтда ҳам тўлақонли иерархик муносабат шаклланаётганини кузатамиз. Бу хусусда айтилган С.Усмоновнинг фикри асослидир: «Морфема сўз билан тенг бўлиши мумкин эмас. Масалан, ўзбек тилидаги *келтирилмади* сўзининг туб лексик маъносини ифодалайдиган *кел-* морфемасини ҳам маъно, ҳам грамматик жиҳатдан *кел* сўзига тенглаштириб бўлмайди. *Кел* сўзи тугал, грамматик жиҳатдан тўла шаклланган ва маълум ҳаракатнинг бажарувчиси бирликдаги II шахс бўлиши лозимлигини ифодалаб туради, аммо *келтирилмади* сўзи составидаги *кел-* морфемаси на шахс, ва на сон маъноларига эга эмас»<sup>2</sup>. Масалан, *бахт* сўзининг лингвистик ҳолатига эътибор берайлик. Мазкур сўз айна пайтда ўзак морфема талабига ҳам тўлиқ жавоб бера олади, зотан, уни маъноли қисмларга ажратиб бўлмайди. Аммо бир пайтнинг ўзида у сўз мақомига ҳам эгадир. Демак, мазкур икки тушунчанинг ҳар бири тилнинг алоҳида сатҳлари бирликлари саналади.

Албатта, сўз компонентлари унинг структур кўринишларини ташкил этувчи морфемалар саналади<sup>3</sup>. Бироқ баъзи морфемалар шаклан сўзга тенгдир. Улар жумласига грамматик маъно ифодаловчи кўмакчи ва боғловчиларни, сўз қолипида келувчи ўзак морфемаларни киритиш мумкин. Бундай вазиятда мазкур унсурлар бир пайтнинг ўзида сўзни ҳам, морфемани ҳам тақозо эта олади. Бу ҳақда А.С.Герд қуйидагиларни таъкидлайди: «Тилда муайян бирликларнинг гоҳ морфема, гоҳ сўз сифатида келиши бирор муаммо пайдо бўлишига сабаб бўлолмайди. Зотан, бир фонемадан ташкил топган морфемалар бўлганидек, бир морфемадан ташкил топган сўзлар ҳам бор»<sup>4</sup>.

Б.С.Хаймович сўз морфемалар ҳақида мулоҳаза юритганида Е.Курилович ортидан бориб, айна пайтда шаклига кўра муайян бир сатҳга, мазмунига кўра эса бошқа бир сатҳга тегишли бўлган оралик бирлик вужудга келишини айтади<sup>5</sup>. Дарҳақиқат, сўзни тақозо этувчи морфемалар шаклан морфема, мазмунан эса сўз вазифасида келади. Кўп компонентли сўзларда эса морфемаларнинг қўлланилиши тартиби ўзак морфемага нисбатан белгиланади. Бу жараёнда морфемаларнинг дистрибутив муносабатлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, -га морфемасининг

<sup>1</sup> Арутюнова Н.Д. Кўрсатилган иш, – Б. 88.

<sup>2</sup> Қаранг: Усмонов С. Ўзбек тилида сўзнинг морфологик тузилиши. – Тошкент, 2010. – Б. 18.

<sup>3</sup> Қаранг: Герд А.С. Морфемика в её отношении к лексикологии// Вопросы языкознания, – М., 1990. №5. – С.7.

<sup>4</sup> Герд А.С. Ўша мақола, – Б.9.

<sup>5</sup> Қаранг: Хаймович Б.С. Уровни языка и разделы лингвистики//Уровни языка и их взаимодействие. – М., 1967. – С.161.

-ка, -қа алломорфлари қўлланилишида алломорфларнинг сўз сатҳидаги фаолияти кўшимча дистрибуция қондасига бўйсунди. Зотан, уларнинг бири қўлланилган куршовда иккинчиси қўллана олмайди: bargga, bug‘ga, tokka, yo‘lakka, qishloqqa, buyuqqa ва ҳ.к. Баъзи ҳолатларда сўз сатҳида морфемалар алмашилиб қўлланади. Бундай вазиятда улар эркин алмашинув дистрибуцияси таъсирида фаоллик кўрсатади: *мошдек – мошдай, одамдай – одамдек, зич-лан-моқ, зич-лаш-моқ* ва ҳ.к. Контраст дистрибуция таъсирида бўлган морфемалар эса ўзакка нисбатан бир хил куршовда келиб, турлича маъно ифодаларини беради: *мактаб-га, мактаб-да, мактаб-дан* ва ҳ.к.

Шундай қилиб, морфема билан сўз ўртасидаги иерархик муносабатни сўз доирасида белгилай оламиз. Бунда сўз сатҳига кираётган ҳар бир морфеманинг шу объектда тутган ўрни ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сўз ва гап ўртасидаги иерархик муносабатнинг тадқиқи шуни кўрсатадики, сўз фонематик ҳамда морфематик сатҳ birlikларининг реал қўлланиши учун ва шу билан бирга, тилнинг кичик birlikлари иерархик муносабати шаклланишини воқелантирувчи объект саналади. Бу эса, ўз навбатида, унинг кичик иерархик муносабат билан катта иерархик муносабат ўртасидаги чегара эканлигидан ҳам далолат беради.

Сўз, фонема ва морфемадан фарқли равишда, тилнинг луғат таркиби нуқтаи назаридан ҳам, грамматик жиҳатдан ҳам ўз мақомига эга бўлган асосий birlikдир<sup>1</sup>. А.И.Смирницкийнинг бу ҳақда билдирган қуйидаги фикри ибратлидир: «Лексик нуқтаи назардан сўз арифметик қиймат касб этади. Грамматик жиҳатдан эса алгебраик аҳамиятга эгадир»<sup>2</sup>. Бунда А.И.Смирницкий арифметик birlikларнинг аниқ қийматли, алгебраик birlikларнинг нисбатан ноаниқ қийматли эканлигини назарда тутди. Дарҳақиқат, сўз ҳам луғат таркибининг элементи сифатида аниқ ифодалидир. Бироқ грамматик шакл касб этгач, бошқача кўриниш олади.

Сўзнинг гап таркибига кириши ҳам анча мураккаб жараён бўлиб, у биринчи галда ўзидан кичик тил бирлиги–морфеманинг кўмагига таянади ва шу тахлит сўз билан гап ўртасида иерархик муносабат шаклланади.

Мазкур масала тавсифини беришда Андре Мартине «монема» терминидан фойдаланади<sup>3</sup>. А.Мартине монемани нутқнинг энг кичик бирлиги тарзида тавсифлайди ва уни уч турга бўлади: 1.Автоном монема. 2.Функционал монема. 3.Қарам ёки тобе монема. Автоном монема тилдан нутққа ўзини-ўзи кўчиради ва бошқа бирор монеманинг ёрдамсиз функционал фаоллик олади. Функционал монема жумланинг муайян компонентлари билан боғланади ва уларга нутқий фаоллик беради. Тобе монема эса нутқий фаоллик олиш учун функционал монемага қарам бўлади: Фикр исботи учун қуйидаги мисолга мурожаат этамиз: *Тўғри, у бизга ёрдам берди*. Айни пайтда *Тўғри* сўзи автоном монема, *у* ва *ёрдам берди* сўзлари ҳамда *-га* аффикси функционал, *биз* сўзи эса тобе монемалардир.

<sup>1</sup> Қаранг: Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. – М., 1956. – С. 20.

<sup>2</sup> Ўша асар, – Б. 21.

<sup>3</sup> Мартине А. Основы общей лингвистики // Новое в лингвистике, вып.3, . – М., 1963. – С. 451.

Сўз билан гап ўртасидаги иерархик муносабат, албатта, сўзларнинг синтагматик қатор доирасида гап билан боғланиши жараёнида шаклланади. Аппликатив усул тил сатҳлари бирликларининг иерархик муносабат ташкил этишида ўзига хос салмоққа эга<sup>1</sup>. Бу орқали нафақат сўзларнинг бир-бири билан, балки уларнинг гап билан муносабатга киришувини ҳам кўрсатиб бериш мумкин: *Икромжон чиқди→Икромжон унинг олдидан чиқди→Икромжон унинг олдидан кўнгли хотиржам бўлиб чиқди→Икромжон унинг олдидан анча кўнгли хотиржам бўлиб чиқди* (С.Аҳмад.Уфқ).

Сўзнинг сўз бирикмаси билан иерархик муносабатида ҳам бирикма компонентлари нутқий жиҳатдан ҳам, грамматик жиҳатдан ҳам фаол бўлади, зотан, эркин сўз бирикмаси нутқда шаклланади. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, мазкур ишимизда сўз билан сўз бирикмаси ўртасида шаклланувчи иерархик муносабатни алоҳида мавзу сифатида талқин этмаяпмиз. Бунинг асосий сабаби сўз бирикмасининг нутқда туғилишидир. Шундай бўлгач, бирикма компонентларининг ҳар бири гапнинг ҳам мучаси саналади ва гап таркибидаги бошқа сўзлар қатори у билан иерархик муносабат ташкил этади: *Ўша куни ногаҳон қўлга тушиб қолган куёв меҳрибон қайнотаси ёнида намозгар пайтигача кетмон урди* (Х.Тўхтабоев. Ёиллар ва йўллар).

Келтирилган гапда *ўша куни, қўлга тушиб қолмоқ, меҳрибон қайнота, намозгар пайти, кетмон урмоқ* каби сўз бирикмалари мавжудлигини кўрамыз. Лекин уларнинг гап билан иерархик муносабатини ўрганиш учун, бизнингча, эҳтиёж йўқ. Чунки мазкур бирикмаларнинг таркибига қираётган сўзларнинг ҳар бири гап билан мустақил ҳолда иерархик муносабат ташкил этмоқда.

Турғун бирикмалар тил бирлиги саналади ва шу боис улар билан гап ўртасида тўғридан-тўғри иерархик муносабат шаклланади. Бироқ фраземанинг гап қолипидида келувчи тури ҳақида нисбатан бошқачароқ мулоҳаза билдиришга тўғри келади. Гап шундаки, ибораларнинг мазкур тури қўлланилишига қараб гап билан яхлитлигича иерархик муносабатда бўлиши ҳам ёки унинг ҳар бир компоненти ўзича синтактик фаоллик кўрсатиши ҳам мумкин: *Онаҳон чехраси очилиб, Жўрахоннинг кўзларига тикилди* (Асқад Мухтор. Опа-сингиллар).

Келтирилган мисолда гап қолипидидаги *чехраси очилмоқ* ибораси қўлланган бўлиб, у айтилган пайтда ярим предикативли қурилма тарзида фаолият кўрсатмоқда ва шу боис бунда фраземанинг таркибида ўзи қатнашаётган гап билан яхлитлигича иерархик муносабатга киришаётганини кўрамыз. Аммо гап қолипидида келувчи иборалар нутқда мустақил қўлланилганда, уларнинг синтактик салмоғи ўзгаради. Бошқача айтганда, бундай вазиятда улар билан ўз компонентлари иерархик муносабат ташкил этади.

Диссертациянинг «**Нутқ бирликларининг иерархик муносабати**» деб номланган тўртинчи бобидида тил билан нутқни фарқлаб ўрганиш лозимлиги масаласини илмий талқин этишга ҳаракат қилинди. Мазкур масала аслида

<sup>1</sup> Шаумян С.К., Соболева П.А. Основания порождающей грамматики русского языка.– М., 1968. – С. 8.

Ф.де Соссюр томонидан тадқиқотларимиз кун тартибига қўйилган эди. Бироқ Соссюр тил билан нутқни фарқлаб ўрганиш лозимлигини алоҳида таъкидлаган бўлса ҳам, унинг ўзи нутқ муаммолари мукамал талқинини беришга улгурмади. Мазкур масала бобида уни танқид қилувчилар ҳам оз бўлгани йўқ. Лекин олимнинг ҳақ эканлиги бугунги кунда тўлиқ тан олинмоқда. Бунинг далили сифатида ҳозирги тилшунослигимизда матн лингвистикасининг, энг муҳими, нутқ лингвистикасининг тилшунослик фанининг устувор аҳамият касб этувчи йўналиши сифатида фаолият кўрсатаётганини эслатиб ўтиш мумкин. Ҳар қандай янги йўналишда бўлгани каби, нутқ лингвистикасида ҳам ҳали изоҳталаб масалалар мавжуд, албатта. Бундай масалалардан бири ва энг муҳими нутқнинг минимал бирлигини белгилаб олишдан иборатдир.

Баъзи тилшунослар сўзни, аниқроғи, нутқда шаклланадиган сўзни нутқнинг энг кичик бирлиги деб аташмоқда. Фикр далилини В.М.Солнцевнинг қуйидаги мулоҳазаларида кўрамиз: «Менинг фикримга кўра, нутқ жараёнида ташкил топувчи бирликни нутқ бирлиги деб аташ мақсадга мувофиқдир. Шу боис нутқда эркин тарзда шаклланувчи сўзни (масалан, *стосабельный*–юз қиличлик), сўз бирикмасини ва гапни нутқ бирликлари деб аташ маъқул»<sup>1</sup>.

А.И.Смирницкий бу каби ясама сўзларни тилнинг потенциал бирликлари деб атайди ва уларнинг нутқ жараёнида шаклланишини инкор этмайди, янги ясама сўзлар эканлигини ҳам тўлиқ тан олади. Бироқ бундай сўзларнинг ясалиши тилнинг луғат бойлигида мавжуд бўлган тайёр сўзларга асосланиши муҳим аҳамият касб этишини эслатиб ўтади<sup>2</sup>. Агар юқорида келтирилган *стосабельный* қўшма сўзига аҳамият бериладиган бўлса, бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилиш мумкин: *стосабельный* сўзининг таркибий қисмлари – *сто* ва *сабель* сўзлари рус тили луғат бойлигида мавжуддир. Бу ўринда ана шу икки сўзнинг қўшилишидан янги қўшма сўз ясалмоқда, холос.

Бундай нутқий ҳодисалар ҳар қандай тилда ҳам кузатилиши мумкин. Масалан, А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романида Кумуш Отабекка қараб «*Сиз қочқоқсиз*» деганида, Отабек унга «*Сиз қувлоқсиз*» деб жавоб беради. Бунда *қувлоқ* сўзи нутқда шаклланаётгани билан ажралиб турибди. Мазкур сўз луғатларимизда кузатилмайди. Аммо унинг асосини ташкил этаётган *қув* (*қувмоқ*) ўзаги ва *-лоқ* аффикслари тилимиз системасида азалдан мавжуд. Шунинг учун бу сингари сўзларни нутқ бирлиги тарзида талқин этиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ўйлаймиз. Умуман, Ш.Сафаров таъбири билан айтганда: «Сўзнинг нутқ бирлиги бўлиши эҳтимолдан йироқ»<sup>3</sup>.

Сўз бирикмасини ҳам нутқ бирлиги тарзида талқин этиш анча қийин. Чунки у, ишимизнинг олдинги бобида эслатиб ўтилгани каби, биринчидан, мавҳум характерли бўлса, иккинчидан, унинг компонентлари–сўзлар жумла таркибида мустақил вазифа бажаради, учинчидан, сўз бирикмаси гап

<sup>1</sup> Солнцев В.М. Язык как системно–структурное образование. – М., 1971. – С. 146.

<sup>2</sup> Қаранг: Смирницкий А.И.Лексикология английского языка. – М., 1956. – С. 17-18.

<sup>3</sup> Сафаров Ш. Нутқ лингвистикасининг текширув объекти нимадан иборат?// Нутқ лингвистикаси. Халқаро илмий-назарий конференция материаллари. –Самарқанд, 2006. – Б. 4.

таркибида шаклланади (бундан, турғун сўз бирикмалари истисно). Шундай бўлгач, гап мавжуд эмас экан, сўз бирикмаси ҳам мавжуд бўлолмайди.

Гапнинг ҳам лингвистик мақоми ҳақида тилшуносликда турлича фикрлар мавжуд. Лекин унинг нутқ бирлиги эканлиги, бизнингча, изоҳ талаб қилмайди, зотан, у мудом актуал ҳолатдадир, тил бирликларига хос бўлган виртуаллик белгиси унга бегона<sup>1</sup>.

Анъанавий грамматикаларимизда «сода гап» ва «қўшма гап» терминларидан фойдаланиб ва шу асосда гапнинг тузилишига кўра таснифи берилиб келинмоқда. Бироқ мазкур терминларнинг истеъмолда эканлиги баъзи масалаларнинг, хусусан, нутқ бирликларининг иерархик муносабати масаласининг нотўғри ҳал этилишига олиб келди.

Гапдан катта нутқ бирлиги – микроматн мақомидаги мураккаб синтактик қурилма гаплардан ташкил топади<sup>2</sup>. Анализнинг кейинги босқичларида эса унинг бевосита иштирокчилари тил бирликлари комбинациясидан иборат эканлиги намоён бўлади. Бу МСҚни синтез қилишда янада яхшироқ кўзга ташланади.

МСҚдан катта нутқ бирлиги абзацдир. Абзац нутқнинг максимал бирлиги бўлиб, унинг қурилиш материали мустақил гаплар ҳамда МСҚлар саналади. Шу боис уни нисбий макроматн тарзида эътироф этиш мумкин ёки Л.Г.Фридман таъбири билан айтганда, у нутқнинг максимал бирлигидир<sup>3</sup>.

Гап билан мураккаб синтактик қурилма ўртасидаги иерархик муносабатнинг ўрганилишида гап нутқнинг энг фаол бирлиги экани намоён бўлади. У микроматн шаклланишида ҳам, макроматн воқеланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Гап тил бирликларининг нутқда қўлланилиши объекти бўлиши билан бирга, уларни янги босқичга олиб киради. Бошқача айтганда, ўзларича коммуникатив функция касб эта олмайдиган тил бирликлари гап сатҳида коммуникатив салмоққа эга бўлади. Тўғри, тилнинг асосий вазифаси алоқа воситаси бўлишдан иборат. Лекин у бунга фақат (гап орқали) нутқда эришади<sup>4</sup>.

Албатта, гапнинг коммуникатив вазифа бажариши муайян нутқ (дискурс) муҳитида рўй беради. Шу боис гапнинг реал қўлланиши прагматик воситалар билан боғлиқдир. Бу ҳақда М.Ҳақимов қуйидагиларни таъкидлайди: «...гапдан англашилган мазмун билан субъект муносабати прагматикага дахлдордир. Нутқий акт, индикатив бўлмаган сўзлар, контекст, нутқий вазият, сўзловчи шахси каби тушунчалар лингвистик прагматиканинг марказий тушунчалари саналади»<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Қаранг: Турниёзов Н. Тил ва нутқ бирликлари ҳақида баъзи мулоҳазалар// Хог'ийу филология, 2006. №1 –Б.28.

<sup>2</sup> Мураккаб синтактик қурилманинг микроматн эканлигини нисбий тушунмоқ лозим, зотан, микроматн бир графема билан, сўз, сўз бирикмаси ва гап билан ифодаланиши ҳам мумкин. Бироқ уларнинг матн мақомини олиши муайян нутқ муҳитига боғлиқ. Мураккаб синтактик қурилма эса ҳар қандай нутқ муҳитида ҳам микроматн мақомида келади (Бу ҳақда қаранг: Турниёзов Н. Матн лингвистикаси. – Самарқанд, 2004).

<sup>3</sup> Қаранг: Фридман Л.Г. Грамматические проблемы лингвистики текста: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук –Л., 1979.

<sup>4</sup> Қаранг: Мурзин Л.Н. К соотношению уровней языка и речи в плане синтаксиса // Уровни языка и их взаимодействие. –М., 1967.-С. 107.

<sup>5</sup> Ҳақимов М.Х. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри дис. ... автореф. –Тошкент, 2001. – Б. 14. Прагмалингвистика муаммолари ҳақида Ш.Сафаровнинг «Прагмалингвистика» деб номланувчи (-Тошкент, 2008) асаридан олиш мумкин.

Гап МСҚ билан иерархик муносабатга киришганда унинг бевосита иштирокчи унсури сифатида фаолият кўрсатади. Фикр далили учун қуйидаги мисолга мурожаат этайлик: *Кўлларидоги машъалларнинг шуъласи деворларнинг тилла суви юритилган нақшларини бир ялаб сўнди, расадхона яна қоронгилашди* (О.Ёқубов.Улуғбек хазинаси).

Берилган МСҚ компонентларининг у билан иерархик муносабатини горизонтал чизик орқали қуйидагича тасаввур этиш мумкин:  $D \leftarrow P_1 \leftarrow P_2$  <sup>1</sup>.

Кўринадикки, мустақил гаплар матн билан тўғридан-тўғри эмас, балки бири иккинчиси воситасида иерархик муносабат ҳосил қилмоқда. Бунда мустақил гапларнинг маъно салмоғи ҳамда синтактик мавқеи муҳим аҳамият касб этади.

Дескриптив тилшуносликнинг бевосита иштирокчилар (БИ) усулидан фойдаланиш нафақат матн билан мустақил гаплар ўртасидаги иерархик муносабатни, балки матн компонентларининг тил бирликлари билан иерархик муносабатини ҳам тасаввур этишимиз учун кенг имконият яратади. Масалан, қуйидаги микроматн (МСҚ) компонентларининг ҳамда мазкур компонентлар мучаларининг иерархик муносабати шаклланишига эътибор берайлик: *Жўрахонга сўз берилганда, ярмидан кўпи хотин-қизлардан иборат бўлган зал бутун фикри зикрини унга қаратди* (А.Мухтор.Опа-сингиллар).

Берилган матн компонентларининг иерархик муносабатини горизонтал чизикда қуйидагича кўрсатиш мумкин:  $D = P_2 \leftarrow P_1; P_2 = X_{12}; P_1 = X_3$  <sup>2</sup>

Баъзи нутқ муҳитида МСҚ кўп компонентли тарзда қўлланилади. Айни пайтда унинг ҳар бир компоненти МСҚ билан мустақил ҳолда иерархик муносабатга киришади.

А.М.Пешковский «қўшма гап» терминини қўллаш қийинчилик туғдираётганини, зотан, у бир неча гапни битта гап деб атаётганини таъкидлаган эди <sup>3</sup>. Рус тилшунослигида А.М.Пешковскийнинг мазкур фикрига урғу берилмади, уни четлаб ўтилди.

Ўзбек тилшунослигида қўшма гап назарияси, албатта, рус тилшунослигида шаклланган назарияга таянган ҳолда вужудга келди. Бу ўринда А.Ғуломов, Ғ.Абдурахмонов, М.Асқарова ва бошқа тилшуносларнинг хизматларини эътироф этиш лозим, зотан, қўшма гап назарияси уларнинг сермашаққат илмий изланишлари натижасида шаклланди ва бугунги кунда ҳам илмий истеъмолда ўз кучини йўқотгани йўқ <sup>4</sup>.

Бироқ ҳозирги тилшуносликда матн лингвистикаси, тўғрироғи, нутқ лингвистикаси илмий жиҳатдан асосланган экан, баъзи анъанавий қарашларимизга, хусусан, нутқ лингвистикаси билан боғлиқ бўлган унинг

<sup>1</sup> Шартли белгилар: D (дискурс-матн), P<sub>1</sub>-матннинг биринчи компоненти (мустақил гап), P<sub>2</sub>-матннинг иккинчи компоненти (мустақил гап), ← белгиси поғонали муносабат тартибини кўрсатади.

<sup>2</sup>Формулада X унсурига қўйилган рақамлар гап билан поғонали муносабатга киришаётган тил бирликлари (сўзлар)нинг сонини кўрсатмоқда.

<sup>3</sup>Қаранг: Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. –М.,1956. –С.465-470. Бу ҳақда Б.Турниёзовнинг кўрсатиб ўтилган номзодлик иши авторефератига ҳам қаранг (6-7 бетлар).

<sup>4</sup>Қаранг: Абдурахмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси. –Тошкент, 1964; Шу муаллиф: Ўзбек тили грамматикаси. –Тошкент, 1996; Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент, 1987.


бирликлари масаласига нисбатан бошқачароқ ёндашмоқ зарурати туғилмоқда.

Н.Маҳмудов ва А.Нурмоновлар қўшма гап таснифи масаласи ҳақида мулоҳаза билдирганларида ўзбек тилшунослигида унинг 14 та тури ҳақида (эга эргаш гап, аниқловчи эргаш гап ва ҳ.к.) маълумот бериб келинаётганини таъкидлайдилар ва мазкур тасниф тўлақонли эмаслигини, у эргаш гапларнинг таснифи эканлигини, аммо эргаш гапли қўшма гаплар таснифи бўлмаслигини тўғри эслатиб ўтадилар<sup>1</sup>.

Юқоридагиларга тўлиқ қўшилган ҳолда яна шуни қўшимча қилмоқчимизки, қўшма гап тушунчасида, унинг барча турларида ҳам соф грамматик тамойиллар ҳисобга олинмаган. Асосийси қўшма гапларда матн мақоми борлиги назардан четда қолган, зотан, икки ва ундан ортиқ гапнинг ўзаро боғланиши матнни тақозо этади.

Айрим МСҚлар, албатта, иккидан ортиқ гапларнинг ўзаро синтактик алоқага киришишидан ташкил топади. Мазкур ҳолатда МСҚ компонентлари тенг ва тобе боғланишли бўлиши ҳам мумкин: *Мана, бир-икки йил бўлди, олис Ҳиротдан Хоқони Саид аталмиш Шоҳруҳ Мирзо вафоти тўғрисида машъум хабар келганидан буён, Мовароуннаҳр ва Хуросон осмонидан қора булутлар аримай қолди* (О.Ёқубов.Улуғбек хазинаси).

Берилган МСҚ уч компонентли бўлиб, уларнинг биринчиси МСҚ билан мустақил ҳолда иерархик муносабат ташкил этмоқда. Иккинчи компонент МСҚ билан учинчисининг ёрдамида боғланмоқда ва шу тарзда иерархик муносабат доирасига кирмоқда. Бундай вазият юзага келишининг сабаби мазкур гапнинг учинчи гапга тобелигидадир. МСҚнинг учинчи компоненти эса у билан тўғридан-тўғри иерархик муносабатга киришмоқда:



Гап билан МСҚ ўртасида воқеланувчи иерархик муносабат нутқнинг қўйи ва ўрта бирликлари реал қўлланишида вужудга келади. Мазкур иерархик муносабат сатҳида нутқий система ичида системани кўрамай. Аммо бу системалар бир хил мақомга эга эмас ва улар турлича тамойилларга асосланади. Чунки МСҚ соф нутқ бирликлари системасини, гап эса тил бирликлари муносабатидан иборат системани тақозо этади.

Абзац ва унинг сатҳидаги иерархик муносабанинг ўрганилишида шунга эътибор қаратилдики, XX аср охирига келиб тилшунослик адабиётларида гапдан бошқа синтактик қурилмалар хусусида ҳам тадқиқот ишлари амалга оширила бошлади. Мазкур масала айниқса рус тилшунослигида устувор аҳамият касб этди. Аслини олганда, гапларнинг ўзаро қўшилишувидан ташкил топган синтактик қурилмани номлаш масаласига В.М.Ломоносов асос солган эди. Олим ўз даврида антик мутафаккирларнинг тилшунослик

<sup>1</sup>Қаранг: Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. –Тошкент, 1995. - Б.172.

соҳасидаги ғояларига таянган ҳолда (масалан Аристотелнинг «Риторика» асарига), биринчилардан бўлиб гапдан катта бирлик – *период* ҳақида маълумот беради. Албатта, мазкур термин дастлаб Аристотел томонидан қўлланган. Лекин рус тилшунослигига унинг В.М. Ломоносов томонидан олиб кирилиши у яшаган давр учун ғоят муҳим эди<sup>1</sup>.

А.А.Потебня масала тавсифига янада чуқурроқ ёндашади ва *период* тушунчасидан ташқари «нутқ» тушунчасини ҳам истеъмолга киритади. У «нутқ» термини орқали бир неча гапдан ташкил топган йирик синтактик қурилмани белгилайди<sup>2</sup>.

А.М.Пешковский рус тилшунослигида биринчи бўлиб гаплар муносабатидан ташкил топган синтактик қурилма масаласи тадқиқига жиддий ва том маънода ёндашади. Олим гаплар қўшилишидан ташкил топган қурилмани «мураккаб бутунлик» деб номлайди<sup>3</sup>. Бирдан ортиқ гаплар муносабатидан ташкил топувчи мураккаб бутунликдан бошқа яна мазкур бутунликларни ҳам ўз ичига қамраб оладиган синтактик бирлик ҳам мавжудлигини ва уни номлаш учун қулайроқ термин топилмагани боис, бу ўринда чет тилидан ўзлаштирилган «абзац» (мазкур сўз асли немисча бўлиб, *чекиниш* маъносини ифодалайди) терминидан фойдаланилаётганини таъкидлайди<sup>4</sup>.

Рус тилшунослигининг сўнгги йиллардаги тараққиёти даврида гапдан катта синтактик бирликлар «сложное синтаксическое целое», «сверхфразовое образование» каби тушунчалар ҳам қўллана бошлади. Бизнингча, мазкур тушунчаларнинг барчаси истеъмолда эканлиги «қўшма гап» терминининг талабга жавоб бера олмаётгани билан боғлиқ. Лекин қандай терминлар қўлланишидан қатъи назар, уларда мавжуд бўлган матн мақоми ҳақида мулоҳаза билдирилмаган.

Н.С.Валгина периодни кўп компонентли қўшма гап тарзида изоҳлайди<sup>5</sup>. И.Ф.Вардулнинг период ҳақидаги мулоҳазаларида период формал-грамматик нуктаи назаридан бир бутун (яхлит) ҳолда мавжуд бўлади. Аммо мазкур бутунликнинг интонация билан алоқаси бўлмайди. Интонация синтактик қурилмалардан каттароқ сатҳ бирликлари учун характерлидир. Бошқача айтганда, периодни интонацион бутунлик деб бўлмайди<sup>6</sup>.

Ўзбек тилшунослигида ҳам период ҳақида маълумот берилган. Масалан, Ғ.Абдурахмонов бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлайди: «Мураккаб составли гапларда маълум бир мазмун муносабати ифодалангани, оҳангда тугаллик бўлгани учун бу хил гап қурилмалари ўзига хос белгига эга бўлади ва улар *период* деб номланади»<sup>7</sup>. Ғ.Абдурахмонов содда период, мураккаб периодлар ҳақида ҳам анча мукамал маълумот беради. Б.Ўринбоевнинг тадқиқот ишларида ҳам *период* ҳақида анча маълумот келтирилади<sup>8</sup>.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Солганик Г.Я. Синтаксическая стилистика. – М., 1973. – С.16.

<sup>2</sup> Қаранг:Потебня А.А. Из записок по русской грамматике.Т.-2.– М,1958. – С.44.

<sup>3</sup>Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. – М., 1938. – С.410.

<sup>4</sup> Қаранг: Ўша асар, ўша бет.

<sup>5</sup> Қаранг: Валгина Н.С. Синтаксис современного русского языка. – М., 1979. – С.365.

<sup>6</sup>Қаранг:Вардуль И.Ф. Основы описательной лингвистики (синтаксис и супрасинтаксис): –М., 1977. – С 234-235.

<sup>7</sup>Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. – Тошкент, 1996. – Б.232.

<sup>8</sup> Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили.– Самарқанд, 2001. – Б. 160.

Период ҳам тузилишига кўра, мураккаб синтактик қурилмани тақозо этади. Шунинг учун биз периодни нутқнинг асосий бирликлари жумласига кирита олмаймиз. Бундан ташқари, период матнда абзац мақомида келиши ҳам мумкин. Абзац эса нутқ бирлигини тақозо этади. Аммо абзац бобида ҳам тилшунослар фикрлари муштарак эмас.

И.Р.Гальпериннинг фикрига кўра, абзац стилистик бирлик саналади<sup>1</sup>. Бундай мулоҳаза С.Е.Крючков ва Л.Ю.Максимовларда ҳам қузатилади<sup>2</sup>. Н.С. Валгина уни композицион-стилистик бирлик деб тушунади<sup>3</sup>. А.М. Пешковский эса бу ҳодисани синтактик бирлик деб атаган эди<sup>4</sup>. А.Г.Руднев ҳам аналогик фикрдадир<sup>5</sup>. Б.Ўринбоев эса абзац стилистик-композицион бирлик, деган хулосага келади<sup>6</sup>.

Бизнингча, абзац синтактик бутунликдир. Тўғри, унинг воқеланиши (ажратилиши, белгиланиши) кўп пайтларда сўзловчи билан боғлиқ бўлади. Лекин бу унинг стилистик бирлик деб номланишига асос бўлолмайди. Чунки сўзловчи нафақат абзацнинг, балки бошқа синтактик қурилмаларнинг шаклланишида ҳам муҳим прагматик омил сифатида аҳамият касб этади.

Гап билан абзац ўртасида вужудга келаётган иерархик муносабат доирасида систем муносабатлар иерархияси ҳам мавжуддир. Ана шу ички иерархик муносабатлар йиғиндисидан абзац (нутқ) макросистемаси шаклланимда. В.М.Солнцев таъбири билан айтганда: «Нутқ синтагматик муносабатлар воқеланиши натижасида вужудга келувчи системадир»<sup>7</sup>.

Нутқнинг мавҳум ҳодиса эмас,<sup>8</sup> балки система эканлигини абзац билан гап ўртасидаги иерархик муносабатда ҳам бемалол қузатиш мумкин. Абзац таркибида унинг компонентлари сифатида келаётган гапларнинг синтагматик режага кўра боғланишининг ўзи ҳам системани тақозо этади. Қолаверса, абзацнинг сегментланиши, макросегментларнинг яна микросегментларга бўлинишининг ўзи ҳам иерархик системадир.

Мураккаб синтактик қурилма ва абзац ўртасидаги иерархик муносабат хусусида фикр билдирилган экан, МСҚнинг матн мақомида эканлиги бугунги тилшунослигимизда, бизнингча, изоҳ талаб қилмайди. Бироқ шуни ҳам айтиш лозимки, тилшунослик адабиётларида «мураккаб синтактик қурилма»дан ташқари айнан шу қолипга тўғри келувчи яна бошқа тушунчалар (терминлар) ҳам қўлланилмоқдаки, бу масала моҳиятини бирмунча чигаллаштирмоқда. Бундай вазият, айниқса, рус тилшунослигида кўпроқ кўзга ташланади.

В.А.Кухаренко ўзининг «Интерпретация текста» номли асарида бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Ҳали А.А.Потебня ўз даврида нутқ нафақат гаплардан, балки гапдан катта бирликлар орқали ҳам воқеланиши мумкинлигини эслатиб ўтган эди. Кейингилари тилшунослик адабиётларида

<sup>1</sup> Қаранг: Гальперин И.Р. Очерки по стилистике английского языка. – М., 1958.

<sup>2</sup> Қаранг: Крючков С.Е., Максимов Л.Ю. Современный русский язык. Синтаксис сложного предложения. – М., 1969.

<sup>3</sup> Қаранг: Валгина Н.С. Синтаксис современного русского языка. – М., 1973.

<sup>4</sup> Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. – М., 1938.

<sup>5</sup> Қаранг: Руднев А.Г. Синтаксис современного русского языка. – М., 1968.

<sup>6</sup> Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Самарқанд, 2001.

<sup>7</sup> Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М., 1971. – С.91.

<sup>8</sup> Қаранг: Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. –Жиззах, 2006. – Б.12.

бир неча ном билан аталади: мураккаб синтактик бутунлик (сложное синтаксическое целое: ССЦ), гапдан катта бутунлик (сверхфразовое единство: СФЕ), прозаик строфа (прозаическая строфа). Аммо терминлар фарқли бўлса ҳам, қарийб барча тадқиқотчилар мазкур ҳодисаларда икки ёки ундан ортиқ тугалланган гаплар нисбатан катта логик-семантик бутунлик таркибида ўзаро боғланишини бир хилда қайд этадилар»<sup>1</sup>.

Таъкидлаш жоизки, абзац МСҚдан катта нутқ бирлигидир. Шу боис матн лингвистикаси принциплари нуқтаи назаридан уни макроматн мақомидаги синтактик ҳодиса деб биламиз. Юқорида эслатиб ўтилганидек, унинг лингвистик таҳлилини одатдаги синтактик таҳлил методлари асосида амалга ошириб бўлмайди. Бу эса, ўз навбатида, катта синтаксис ва унинг асосий вазибаларини илмий асослаш учун жиддий зарурат туғдирмоқда. Катта синтаксиснинг текширув объектлари эса гап, МСҚ ҳамда абзац саналиши мумкин. Кичик синтаксис эса сўз ясалиши (аниқроғи ясама сўзлар), турғун бирикмалар ва эркин сўз бирикмаларининг нутқдан ташқари ҳолати каби масалалар талқини билан шуғулланмоғи лозим бўлади<sup>2</sup>.

## ХУЛОСА

1. Тил сатҳларининг ҳар бири нисбий мустақилдир. Шу боис ҳар бир сатҳ бирликларининг фақат уларгагина тегишли бўлган қонун-қоидаларини бошқа сатҳ бирликларига татбиқ этиб бўлмайди. Бироқ сатҳлар бирликларининг синтагматик муносабатларини улардан бир поғона катта бўлган бошқа сатҳлар бирликлари доирасида ўргана оламиз.

2. Тил сатҳлари масаласи, хусусан, уларни белгилаш бобида фанимиз тараққиётининг ҳозирги даврига қадар тилшунослар фикрлари муштараклик касб этмади. Ваҳоланки, тил сатҳларини белгилаш тил бирликлари билан мос келмоғи керак. Тилда қанча бирлик бўлса, сатҳлар сони ҳам шунча бўлмоғи лозим. Бу эса тилда *фонематик*, *морфематик* ва сўз сатҳларидан ортиқ сатҳ йўқлигидан далолат беради.

3. Мавжуд тадқиқотларининг аксариятида тил бирликлари билан нутқ бирликлари қориштириб юборилмоқда ва бунинг натижасида сўз бирикмалари ҳам, гап ҳам тил бирлиги тарзида талқин этилмоқда. Аммо бугунги кунда нутқ лингвистикаси тилшунослик фанининг мустақил бўлими сифатида илмий асосланган экан, тил ҳодисаларини нутқ ҳодисаларидан фарқлаб ўрганиш лозимлиги тадқиқотларимиз кун тартибига асосли тарзда қўйилмоқда. Бироқ бундан тил ва нутқ автоном ҳодисалардир, деган хулоса чиқариб бўлмайди, зотан, улар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқдир.

4. Фонематик сатҳ бирликларининг синтагматик фаоллиги ундан катта бирлик–морфема(ёки сўз) сатҳида намоён бўлади, зотан, бунда синтагматик муносабатга киришаётган фонемалар морфеманинг шаклланиши учун ҳам

<sup>1</sup> Кухаренко В.А. Интерпретация текста. – М., 1988. – С.68.

<sup>2</sup>Қаранг: Турниёзов Н. Тил унсурларининг микросинтагматик муносабатлари хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1998. – №5 – Б. 28.

хизмат қилади. Бу жараёнда тилнинг маъно англамайдиган ва маъноли икки бирлиги кесишади.

5. Морфема ҳам тилнинг кичик бирлиги сифатида мустақил сатҳни ташкил этади. Морфема нутқда реал қўлланилганда унинг *морф*, *алломорф* каби шакллари вужудга келади. Бу, ўз навбатида, морфеманинг инвариант характерли эканлигини далиллайди ва шу билан бирга, унинг интегратив хусусиятидан ҳам далолат беради.

6. Тилнинг асосий бирлиги сўз бўлиб, унинг қурилиш материали морфемадир. Сўз тил бирликларининг гап сатҳига кўчирилишини таъминловчи асосий восита саналади, зеро, фонемалар ҳам, морфемалар ҳам сўз сатҳида фаоллашади ва у орқали нутққа кўчади.

7. Гап реал қўлланилганда чап томондан тил бирликлари билан, ўнг томондан эса нутқ бирликлари билан узвий боғланади. Сўз бирикмасини, гарчи нутқда шакланса ҳам, нутқ бирлиги тарзида ўрганиш мақсадга мувофиқ кўринмайди. Зотан, сўз бирикмаси компонентларининг ҳар бири гапда унинг бўлаги сифатида мустақил вазифа бажаради. Сўз бирикмаси гапнинг қурилиш материали ҳам саналмайди. Чунки нутқ жараёнигача ҳали мавжуд бўлмаган структурани гапнинг қурилиш материали сифатида талқин этиб бўлмайди. Гапнинг қурилиш материали сўздир.

8. Нутқнинг гапдан катта бирлиги мураккаб синтактик қурилмадир (МСҚ). Икки ва ундан ортиқ гапларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган ҳар қандай синтактик структура МСҚ мақомида келади. МСҚ абзац таркибида келиши ёки унинг ўзи абзац мақомида бўлиши ҳам мумкин. Абзац эса нутқнинг макробирликларидан биридир. МСҚ ҳам абзац, ҳам дискурс мақомида тавсифланиши мумкин.

9. Нутқ бирликларининг иерархик муносабати тил бирликларининг аналогик муносабатидан фарқланади. Чунки нутқ бирликлари, тил бирликлари нутқда мустақил қўллана олади. Тил бирликлари эса ўз қобилигида фаоллик кўрсата олмайди. Уларнинг реал қўлланиши мудом стратификатив тамойилларга бўйсунди. Бошқача айтганда, тил бирликлари иерархик муносабатга киришганда уларнинг кичиги каттасининг сатҳига кириши асосий фактор саналади ва бунда сатҳлараро иерархик боғланиш шаклланади. Муайян сатҳ бирликларининг ички иерархик муносабати уларнинг дифференциал (меризматик) белгиларига кўра воқеланади.

10. Тил системаси яхлит ҳолда фаолият кўрсатади. Шу боис бу ўринда фонема билан морфема ёки сўз ўртасида вужудга келадиган иерархик муносабат бутун бир системанинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ бўлади.

11. Фонематик сатҳ бирликлари морфематик ва сўз сатҳлари бирликлари билан иерархик муносабатга киришганда тилнинг маъно англамайдиган бирликлари билан маъноли бирликлари синтагматик каторда кесишишини кўрамайди.

12. Сўз шаклан ўзак морфемани тақозо этиши ҳам мумкин. Бундай вазиятда икки тил бирлиги учун бир хил товуш комплекси хизмат қилади. Бу, албатта, баъзан тадқиқотчини чалғитади. Аммо масала моҳиятига

жиддийроқ ёндашадиган бўлсак, бу ўринда ҳам морфема ва сўз ўртасида тўлақонли иерархик муносабат шаклланишини кўрамиз.

13. Сўзнинг грамматик шакли унинг ўзидан катта бирлик – гап билан иерархик муносабатга киришуви учун имкон яратади. Бу эса, ўз навбатида, сўзни том маънода аниқлаш учун унинг фонетик белгилари ҳамда лексик маъноси камлик қилишини кўрсатади. Сўзнинг лексик маъноси қанчалик аҳамият касб этишига қарамай, умумий маъно унга грамматик маъно кўшилгандан сўнг шаклланади.

14. Сўзларнинг ўзаро муносабатга киришувида кўмакчи, боғловчи, юклама ва ҳ.к. каби морфологик воситалар муҳим вазифа бажаради. Лекин улар гап билан иерархик муносабатга кириша олмайди. Гап билан синтактик фаол ҳолдаги мустақил сўзларгина иерархик муносабат ташкил этади. У билан турғун бирикмалар ҳам сўз сингари иерархик муносабатга киришади. Бироқ гап қолипидаги фраземалар нутқда мустақил қўлланганда, бундай иборалар қисмларининг ҳар бири мустақил фаоллик кўрсатади ва улар гап билан иерархик боғланишда бўлади.

15. Сўзнинг нутқ бирлиги тарзида тавсифланишига ижобий муносабат билдириш қийин. Бундай мулоҳазага кўшиладиган бўлсак, тилимиз системасини барча ясама сўзлардан холи этишга эҳтиёж туғилади. Умуман олганда бу масала мунозарали эди ва шундайлигича қолмоқда.

16. «Кўшма гап» тушунчаси талабга жавоб бера олмаяпти. Шу боис мазкур термин ўрнига қурилманинг матн мақомига эга эканлигини ҳисобга олиб, истеъмолга киритилган «мураккаб синтактик қурилма» терминининг қўлланиши мақсадга мувофиқ. Равшанки, «кўшма гап» тушунчаси нутқ бирликлари иерархик муносабати қонуниятларининг бузилишига олиб келади.

17. МСҚ таркибида бир неча гап синтактик фаоллик олади ва мазкур гаплар шу бирлик билан иерархик муносабатга киришади. Шуниси характерлики, МСҚ сатҳида система ичида микросистемалар вужудга келади. Агар МСҚни нисбий макросистема деб билсак, унинг таркибий қисмлари – микросистемалар у билан иерархик муносабат ташкил этади.

18. Нутқнинг МСҚдан кейинги бирлиги абзацдир. У, бизнингча, нутқнинг нисбий максимал бирлигидир. Абзац таркибида қўлланилган ҳар қандай гап ҳам у билан иерархик муносабат ташкил этади.

19. Абзац устпредикатив макробирлик саналади. Унинг компонентлари ифодалаётган предикативлик ҳодисалари ҳам, ўз навбатида, иерархияга асосланади, зотан, улар билан устпредикатив макробирлик ўртасида иерархик муносабат шаклланади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
DSc. 27.06.2017.Fil. 19.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ АЛИШЕРА НАВОИ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ  
ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

**ХАЙРУЛЛАЕВ ХУРШИДЖОН ЗАЙНИЕВИЧ**

**ИЕРАРХИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ ЕДИНИЦ ЯЗЫКА И РЕЧИ**

**10.00.11 – Теория языка. Прикладная и компьютерная лингвистика**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ  
ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2018**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.3.DSc/Fil 81.**

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном институте иностранных языков. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный консультант:**

**Турниёзов Неймат Каюмович**  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Маматов Абди Эшонкулович**  
доктор филологических наук, профессор

**Мухамедова Саодат Худойбердиевна**  
доктор филологических наук

**Хакимов Мухаммадхон Хужахонович**  
доктор филологических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Институт узбекского языка, литературы и фольклора при АН РУз.**

Защита диссертации состоится \_\_\_\_\_ 2018 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании разового Научного совета на основе совета DSc.27.06.2017.Fil.19.01. по присуждению ученой степени при Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (Адрес: 100011, г.Ташкент, Яккасарайский р-н, ул. Юсуфа Хос Ходжиб, дом 103. Тел: (90) 3182530; e-mail: [monitoring@navoiy-uni.uz](mailto:monitoring@navoiy-uni.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (зарегистрирована за № ...) Адрес: 100011, г.Ташкент, Яккасарайский р-н, ул. Юсуфа Хос Ходжиб, дом 103. Тел: (90) 3182530; e-mail: [monitoring@navoiy-uni.uz](mailto:monitoring@navoiy-uni.uz).

Автореферат диссертации разослан \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(Протокол реестра рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2018 года.)

**Ш.С.Сирожиддинов**

Председатель разового Научного совета на основе совета по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук, профессор

**Д.С.Худойберганава**

В.и.о.ученого секретаря разового Научного совета на основе совета по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук.

**Н.М.Махмудов**

Председатель разового Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филол. наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Осуществление в настоящее время основных изысканий на базе системно-структурного и антропоцентрического подходов мировой лингвистики, наряду с изучением языка и речи, с учетом парадигматических и синтагматических закономерностей, обуславливают и необходимость рассмотрения иерархических отношений. Исследование единиц языка и речи и их иерархических отношений на основе современных взглядов и методов – одна из актуальных проблем современной лингвистики. В мировом языкознании чёткое разграничение единиц языка и речи, их ярусов и межъярусовых отношений служит важным фактором, обеспечивающим развитие новых отраслей лингвистики и её интеграцию с другими науками.

В мировом языкознании единицы языка и речи, ярусы языка и проблема межъярусных отношений вызвали большой интерес у множества лингвистов. В частности, уже были исследованы вопросы определения принципов различения единиц языка и речи, изучения взаимных парадигматических, синтагматических отношений, лингвистической характеристики понятия яруса и т.д. В то же время в отечественном языкознании представление точных теоретических выводов по описанию единиц языка и речи с опорой на современные методологические принципы, ярусов языка и речи, а также лингвистического статуса и природы составляющих их единиц предопределяют актуальность темы диссертационного исследования. Кроме того, это обуславливает необходимость освещения и исследования иерархических отношений единиц языка и речи путём использования последних достижений мировой лингвистики, новых методов исследования, а также оповещения научного сообщества об их результатах.

С обретением независимости в нашей республике большое внимание уделяется национальной духовности, узбекскому языку как основному источнику самосознания и узбекскому языкознанию, научно изучающему его. За прошедший период в узбекском языкознании заметно повысилась динамика развития науки. При этом использование достижений мирового языкознания по назначению, их применение на практике дали положительные результаты, кроме того, полученные достижения становятся известными не только в отечественном языкознании, но и в мировой лингвистике. Однако еще многие языковедческие проблемы ждут своих исследователей. К таковым относятся иерархические отношения единиц языка и речи. В «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» особо отмечены «совершенствование системы образования, повышение возможностей оказания высококачественных образовательных услуг»<sup>1</sup>. В свою очередь, это, предполагает пересмотра некоторых теорий, сохранявших актуальность

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами.–Тошкент, 2017. – Б.39.

на протяжении многих лет, восполнения пробелов в науке и научных направлениях. Одним из таких направлений в современном языкознании является научная трактовка иерархических отношений единиц языка и речи.

Диссертационное исследование в определённой степени служит для реализации задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП - 4797 от 13 мая 2016 г. «Об организации Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои», № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-2789 от 17 февраля 2017 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования, научно-исследовательской деятельности», а также в других нормативно-правовых актах.

**Соответствие диссертационного исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики: I. «Пути формирования и осуществления системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-образовательном развитии информационного общества и демократического государства».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>1</sup>.** Научные исследования, направленные на изучение единиц языка и речи, а также их иерархических отношений, проводятся в таких ведущих научных центрах и высших учебных заведениях мира, как University of Pennsylvania, University of Columbia, University of California, Harvard University (США); Женевский университет (Швейцария); Сорбон Коллеж де Франс (Франция); Лейпцигский университет, Университет Гумбольдта (Германия); Oxford University Language Centre (Англия); Peking University (КНР), Университет Торонто (Канада); University of Vienna (Австрия), Софийский университет (Болгария); University of Tokyo (Япония); Baki Dövlət universiteti (Азербайджан); Московский государственный университет, Санкт-Петербургский государственный университет, Московский институт востоковедения, Ростовский государственный университет, Московский городской педагогический университет (РФ); Казахский национальный университет (Казахстан), а также Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институт узбекского языка, литературы и фольклора при АН РУз.

В мировом языкознании в ходе исследований, направленных на раскрытие парадигматических, синтагматических и иерархических отношений единиц языка и речи, был получен ряд результатов, в частности,

---

<sup>1</sup> Обзор зарубежных научно-исследовательских работ осуществлен на основе сайтов [www.universityofcalifornia.edu](http://www.universityofcalifornia.edu), [www.harvard.edu](http://www.harvard.edu), [www.indiana.edu](http://www.indiana.edu), [www.intl.aks.ac.kr](http://www.intl.aks.ac.kr), [www.uni-bonn.de](http://www.uni-bonn.de), [www.uio.no/english](http://www.uio.no/english), [www.univie.ac.at/en](http://www.univie.ac.at/en), [www.vu.lt](http://www.vu.lt), [www.bsu.edu.az](http://www.bsu.edu.az), [www.univ.kiev.ua](http://www.univ.kiev.ua), [www.msu.ru](http://www.msu.ru), [www.spbu.ru](http://www.spbu.ru), [www.vsu.ru](http://www.vsu.ru), [petrsu.ru](http://petrsu.ru), [www.kaznu.kz](http://www.kaznu.kz), [www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz) сайт и других источников.

охарактеризована семиологическая система языка и разъяснено различие между единицами, а также парадигматическими и синтагматическими отношениями в его структуре (University of Geneva, Швейцария; Московский государственный университет, РФ); пояснены семантические отношения единиц языка и речи (Oxford University Language Centre (Англия); Sorbonne College de France, Франция); разработаны основы обозначения ярусов (Санкт-Петербургский государственный университет, Московский институт востоковедения, РФ; University of Toronto, Канада); применены иерархические отношения в лингвистических единицах (University of Pennsylvania, University of Columbia, University of California, США), описаны парадигматические и синтагматические отношения фонематических единиц (University of Leipzig, Германия; Peking University, КНР); научно обоснованы единицы морфемного яруса – морфемы (University of California, Harvard University, США), охарактеризованы единицы речи, в частности, предложения и дискурсы (University of Pennsylvania, University of Columbia, University of California, Harvard University, США), определены ярусы языка (Московский государственный университет, Ростовский университет, Московский городской педагогический университет, РФ; University of Pennsylvania, University of Columbia, University of California, США); научно обоснованы ярусы речи и иерархические отношения (Московский государственный университет, Санкт-Петербургский государственный университет, РФ; University of Pennsylvania, США); доказаны фонематический уровень и дифференциальные знаки (University of Columbia, University of California, США; University of Leipzig, The Humboldt University, Германия); описаны единицы речи (Московский государственный университет, Санкт-Петербургский государственный университет, РФ; University of Vienna, Австрия); разъяснена лингвистическая природа языковой системы, лексического яруса, языковых и речевых единиц (Софийский университет, Болгария; University of Tokyo, Япония; Bakı Dövlət Universiteti, Азербайджан; Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институт узбекского языка, литературы и фольклора при АН РУз, Узбекистан).

В настоящее время в мировом языкознании в рамках исследования вопросов, связанных с изучением иерархических отношений между единицами языка и речи, проводятся научные изыскания, в частности, по следующим приоритетным направлениям: всесторонне освещаются прагматические отношения языковых единиц и толкование иерархических отношений, возникающих в связи с этим, вопросы изучения номинативного статуса данных единиц, а также описание взаимно иерархических отношений языковых единиц. Одним из самых больших достижений языкознания XX в. явилось научное обоснование лингвистики речи, что, в свою очередь, ставит на повестку дня проблему четкого определения единиц речи. Следовательно, в настоящее время всесторонне изучаются пропозитивные и макропропозитивные особенности единиц речи, их деривационные закономерности.

**Степень изученности проблемы.** Мировая лингвистика XIX-XX в. достигла больших успехов в плане исследования проблем системности языка, его структурных особенностей, ярусов, парадигматических, синтагматических и иерархических отношений единиц ярусов, в результате чего приобрела большую значимость. Поворотным моментом в науке о языке явилось научное обоснование Ф.де Соссюром дихотомии «язык и речь». Однако следует также отметить, что до настоящего времени на должном нормативном уровне изучены, в основном, только те проблемы развития языкознания, которые касаются лишь первой части дихотомии.

